- US fears about communism in Asia were dominated by hostility to Stalin's expansion in Europe and the shock of the Chinese communist victory in 1949. If the two huge communist countries joined together then communism might dominate the world

**References:**


1. Zurab Abashidze----Cold War, past or present? Tbilisi 2009.
2. Era of Communism - World Movement https://www.kas.de/documents/269781/269830/7_file_storage_file_24249_1.pdf/fe64f9fc-306f-bb6f-2df6-6e30c4ff8ff1?version=1.0&t=1539648360971
3. The Cold War in East Asia and the problem of the Northern Territories. The Cold War in Asia and the Middle East. https://499c.ru/ka/holodnaya-voina-v-vostochnoi-azii-i-problema-severnyh-territorii-holodnaya/
4. R. Gachechiladze, Political Geography of the Middle East, Reader https://www.tsu.ge/data/file_db/faculty_social_political/reader%20r.gachechiladze.pdf
5. https://www.history.com/topics/cold-war/cold-war-history;
6. https://www.britannica.com/event/Korean-Air-Lines-flight-007;
7. https://www.hoddereducation.co.uk/media/Documents/History/OCR-A-Level-History-The-Cold-War-in-Asia-and-the-Cold-War-in-Europe-sample-pages.pdf.

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Dilbar To'raevna Abdurasulova,**
J DPU, Umumiy tarix kafedrasi o'qituvchisi

# MUSTAQILLIK YILLARIDA JIZZAX SHAHRINI QAYTA QURISH REJASI VA BUNYODKORLIK ISHLARI

**For citation:** Dilbar Toraevna Abdurasulova, RECONSTRUCTION PLAN AND CONSTRUCTION WORKS OF THE CITY OF JIZZAH DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada mustaqillik yillarida Jizzax shahrini qayta qurish ishlari olib borilayotganligi yoritilgan. Maqolada eski shaharni zamon talablariga moslashtirish zaruriyati paydo bo'lganligi va Jizzax shahari qurilishida aholi uchun qulaylik yaratish bosh mezon ekanligi, viloyat markazida keng miq'yosda qayta qurilish ishlari olib borilayotganligi, eski shaharni qaytadan qurish hamda uni o'zgaruvchi talablarga moslashtirish zaruriyati paydo bolayotganligi, shaharni qayta qurish jamiyatini yangilash shaharsozlikni rivojlantirishning muhim ajralmas qismi bo'lgan holda shaharlarni birin-ketin yangilash yo'li bilan aholini normal ishlab chiqarish faoliyati uchun sharoit yaratishi ta'kidlangan. Shuningdek, Jizzax shahrini qayta qurish insonning doimiy o'sib boruvchi ma'naviy va moddiy talablarini qondirishni, aholini mehnat, turmush va dam olish sharoitlarini tubdan yaxshilash o'zining maqsadi qilib belgilanganligi aytilgan.

**Kalit so'zlar:**Shahar,qayta qurish, zamonaviy xiyobon, bunyodkorlik ishlari, musiqali favvora, bozorlar, Xotira bog'i, landshaft.

---

**Дилбар Тураевна Абдурасулова,**
преподователь кафедры Общая история
Джизакского государственного педагогического университета

# ПЛАН РЕКОНСТРУКЦИИ И СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ГОРОДА ДЖИЗАКА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассказывается о реконструкции города Джизак за годы независимости. В статье отмечается необходимость адаптации старого города к требованиям времени, а основным критерием строительства города Джизак является создание комфорта для населения, в городе ведутся масштабные работы по реконструкции. центр региона, возникает необходимость перестройки старого города и приспособления его к изменяющимся требованиям, подчеркивается, что обновление градостроительного общества является важной составной частью развития градостроительства и создает условия для нормальную

производственную деятельность населения путем обновления городов один за другим. Также было сказано, что реконструкция города Джизака направлена на удовлетворение постоянно растущих духовных и материальных потребностей людей, коренное улучшение условий труда, быта и отдыха населения.

**Ключевые слова:** город, реконструкция, современный проспект, творчество, музыкальный фонтан, рынки, мемориальный парк, ландшафт.

---

**Dilbar Toraevna Abdurasulova,**
department teacher the world history
Jizzakh State Pedagogical university

## RECONSTRUCTION PLAN AND CONSTRUCTION WORKS OF THE CITY OF JIZZAH DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

**ABSTRACT**

This article tells about the reconstruction of the city of Jizzakh during the years of independence. The article notes the need to adapt the old city to the requirements of the time, and the main criterion for the construction of the city of Jizzakh is to create comfort for the population, large-scale reconstruction work is underway in the city. the center of the region, there is a need to rebuild the old city and adapt it to changing requirements, it is emphasized that the renewal of the urban planning society is an important part of the development of urban planning and creates conditions for the normal production activity of the population by updating cities one by one. It was also said that the reconstruction of the city of Jizzakh is aimed at meeting the ever-growing spiritual and material needs of people, a radical improvement in working conditions, life and recreation of the population.

**Index terms:** City, reconstruction, modern avenue, creativity, musical fountain, markets, Memorial Park, landscape.

---

**1.Dolzarbligi:**

Mavzuning dolzarbligi mustaqillik yillarida Jizzax shahri iqtisodiy infratuzilmalar va shaxar iqtisodining rivojlanishi xususida ilmiy muloxazalarni boyitishga xizmat qiladi. Unda mustaqillik yillarida Jizzax shahrini qayta qurish rejasi va bunyodkorlik ishlari haqida keng qamrovli ma’lumotlar berilgan.

**2.Metodlar va o‘rganilganlik darajasi:**

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar: tarixiylik, manbaviy, qiyosiy-mantiqiy tahlil, ketma-ketlik, xolislik, tizimlashtirish hamda fanlararo yondashuvlar asosida yoritilgan.

**3.Tadqiqot natijalari:**

Mustaqillik sharofati bilan Jizzax shahrining bosh rejasi qaytadan ishlanib, zamonaviy inshootlar qurilishi, savdo majmualarining barpo etilishi ko‘zda tutilgan. Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 4 dekabridagi “Shahar va shaharchalarning bosh rejalarini hamda qishloq fuqarolar yig‘inlari hududlarini arxitektura-rejalashtirish jihatidan tashkil etish loyihalarini ishlab chiqish va amalga oishirsh tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 286-sonli qarori[2] ga binoan viloyat shaharlari, tuman markazlari, ayniqsa, Jizzax shahrining qiyofasini tubdan o‘zgartirish bo‘yicha bosh reja asosida ishlar olib borilayotganligi e’tiborga molikdir. Markaziy ko‘chalar kengaytirilib, turar joy binolari qad ko‘tarmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov 2013 yilning 19 iyunida viloyatga tashrifi chog‘ida bosh reja asosida amalga oshirilayotgan qurilish va obodonlashtirish ishlari bilan atroflicha tanishdi. Shuningdek, Jizzax shahrining bosh rejasida, albatta, aylanma xalqa yo‘lining qurilishi ko‘zda tutilishi lozimligi xususida qimmatli maslahatlarini berdi.

Keyingi yillar O‘zbekistonning qator shaharlari, viloyat markazlarini keng miq'yosda qayta qurilish ishlari olib borilmoqda. Eski shaharni qaytadan qurish hamda uni o‘zgaruvchi talablarga moslashtirish zaruriyati paydo bolmoqda Shaharni qayta qurish jamiyatini yangilash shaharsozlikni rivojlantirishning muhim ajralmas qismi bo‘lgan holda shaharlarni birin-ketin yangilash yo‘li bilan aholini normal ishlab chiqarish faoliyati uchun sharoit yaratishni, insonning doimiy o‘sib boruvchi

ma'naviy va moddiy talablarini qondirishni, aholini mehnat, turmush va dam olish sharoitlarini tubdan yaxshilash o‘zining maqsadi qilib belgilagan.

Shaharni qayta qurish- deganda mavjud shaharlarni rejalashtirish va qurishni takomillashtirish hamda rivojlantirish bo‘yicha tadbirlar majmuasi tushuniladi. Bundan ko‘rinadiki, qayta qurish shahar hududini rivojlantirishga imkon beradi. Yuqorida aytib o‘tilgan tadbirlarni amalga oshirish vaqt bo‘yicha uzluksiz oquvchi shaharlarni kenglik – rejalashtirishni tashkil etishni, qurilishlar va obodonlashtirishnitakomillashtiribborishniko‘zdatutadi[3]. Jizzax viloyatidagi shaharlarning xam qayta qurish, qiyofasini o‘zgartirish, tabiiy iqlim sharoitiga mos va o‘ziga xos landshaft ko‘rinishga ega bo‘lgan binolarni barpo etish shaharsozlik madaniyati rivojida muhim ahamiyatga ega. Jizzax viloyati iqlimi, tabiati, aholi joylashuvi xususiyatlari shaharlardagi qurilish ishlarini olib borishda asosiy omil bo‘ldi. Eng muhimi, shaharlar qurilishida aholi uchun qulaylik yaratish bosh mezonga aylandi.

Mustaqillik arafasida kapital qurilishda, ayniqsa, og‘ir ahvol vujudga keldi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Birinchi Islom Karimov asarida ta’kidlaganlaridek, “1990-yilda respublikada chala qurilishlarning qiymati 5,7 milliard so‘mgaetdi. Bu kapital mablag‘ning yillik rejasidan ham ko‘proqdir. Faqat1989-yilning o‘zidagina 73 ta yirik ob’ekt va ishlab chiqarish quvvatlari bitkazilmay qoldi, bu esa 200 million so‘mlik milliy daromad yo‘qotildi, demakdir. Qariyb 200 ta eng muhim ishlab chiqarish qurilishlari bitmay chala qoldi, bir million kvadrat metrdan ko‘proq uy-joy, 9 ming o‘ringa mo‘ljallangan maktabgacha tarbiya muassasasi foydalanishga topshirilmadi”

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab respublika rahabariyati qurilish ishlariga ham alohida e’tibor qarata boshladi. 1991-yil viloyatda qurilishga 249,2 million so‘m davlat mablag‘i ajratilib, bu esa qurilishda ajratilgan mablag‘ning 59,0 foizini tashkil etgan. 1994-yilda qurilishda ishlatilgan 82,1 million so‘mdan atigi 20,2 million so‘m davlat mablag‘i hisobiga bajarilgan, bu umumiy qurilishda ishlatilgan mablag‘ning 24,6%ini tashkil etgan[4]. ya’ni, yildan-yilga qurilishda davlat tomonidan ajratilgan mablag‘ kamayib, korxona va xo‘jaliklar, xususiy mablag‘ga hamda bank krediti hisobiga qurilishni amalga oshirish ortib borgan. Jizzax shahrida 1993 yilda 10 dan ortiq yakka tartibdagi uy-joy massivlari qurilgan. Alisher Navoiy, Uchariq, Hamid Olimjon, Nazir Safarov, Oqqo‘rg‘onlik massivlari shular jumlasidandir. Masalan, Paypoq to‘quv fabrikasi yonida qurilgan Alisher Navoiy massivining umumiy maydoni 102 gektar bo‘lib, u to‘rt guruhga bo‘lingan. Shaxsiy uy-joylar, sport inshootlari maydoni, 2 ta maktab va 2 ta bolalar bog‘chasi uchun ajratilgan maydon hamda ijtimoiy va madaniy markazlar maydonlariga bo‘lingan[5]. Bu uylar asosan 1-2 qavatli bo‘lib, qurilishda ko‘proq mahalliy materiallar ishlatilgan.

Ammo, uy-joylarni qurib foydalanishga topshirish ancha achinarli ahvolda edi. 1992 yilda bu sohadagi yillik reja bor yo‘g‘i 64 foizga bajarildi. Viloyat bo‘yicha topshirilmay qolgan uy-joylar 117 ming kv.metrni, maktablar 1192 o‘rinni, bolalar bog‘chalari 510 o‘rinni tashkil etdi[6]. Avariya holatidagi maktablar o‘rniga yangi bino qurish ishlari juda sust olib borilgan.

1993 yilda Jizzax shahridagi 11 mingdanziyod turar joy xonadonlarning barchasi aholiga xususiy mulk qilib berildi[7].

Mustaqillikning dastlabki yillarida ba’zi qurilish ob’ektlari tegishli tashkilotlar nazoratisiz qurila boshlagan. Jumladan, “Olmazor” bozori bosh rejasi tasdiqlanmasdan tartibsiz ravishda qurilish ishlari olib borilgan[8]. Aslida esa 1992 yil 15 dekabrda viloyat hokimligi qarori bilan arxitektura qurilishni nazorat qilish davlat inspeksiyasi tashkil etilgan, lekin keyinchalik u tarqatib yuborilgan. Ushbu bozordagi savdo do‘konlari ularning egalari tomonidan qurilgan hamda qurilish qoidalariga amal qilmasdan (zilzilaga chidamliligi, fundamentlar armaturasiz) qurilgan.Xuddi shunday holatni “Ko‘kat bozor” qurilishida ham ko‘rish mumkin edi. Mazkur bozorlar bosh rejasi ishlab chiqilmaganligi sababli Toshkent va Hamroqul Nosirov ko‘chalari, bir tomonlamalik yo‘l, piyodalar uchun trotuar, avtobekatlar, ko‘kalamzorlashtirish ishlari loyihalashtirilmagan.

Mustaqillik sharofati bilan Jizzax shahrining bosh rejasi qaytadan ishlanib, zamonaviy inshootlar qurilishi, savdo majmualarining barpo etilishi ko‘zda tutilgan. Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 4 dekabridagi “Shahar va shaharchalarning bosh rejalarini hamda qishloq fuqarolar yig‘inlari hududlarini arxitektura-rejalashtirish jihatidan tashkil etish loyihalarini ishlab chiqish va amalga oishirsh tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 286-sonli qarori[2]ga binoan viloyat

shaharlari, tuman markazlari, ayniqsa, Jizzax shahrining qiyofasini tubdan o‘zgartirish bo‘yicha bosh reja asosida ishlar olib borilayotganligi e’tiborga molikdir.Markaziy ko‘chalar kengaytirilib, turar joy binolari qad ko‘tarmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov 2013 yilning 19 iyunida viloyatga tashrifi chog‘ida bosh reja asosida amalga oshirilayotgan qurilish va obodonlashtirish ishlari bilan atroflicha tanishdi. Shuningdek, Jizzax shahrining bosh rejasida, albatta, aylanma xalqa yo‘lining qurilishi ko‘zda tutilishi lozimligi xususida qimmatli maslahatlarini berdi.

Bugungi kunda viloyat markazida bunyodkorlik ishlari qizg‘in davom etmoqda. Bosqichma-bosqich amalga oishirilayotgan qurilish ishlari samarasi o‘laroq viloyat markazi chet elning go‘zal shaharlaridan qolishmaydigan qiyofa kashf etishi shubhasizdir. Xususan, so‘nggi yillarda Jizzax shahrining Mustaqillik (sobiq Rasul Isayev), Buyuk Turon (eski nomlanishi Ubaydulla To‘raqulov), Sharof Rashidov, Alisher Navoiy va Shifokorlar ko‘chalarida katta bunyodkorlik ishlari bajarilmoqda. Ko‘chalarning ikki tomonidagi pastqam uy va inshootlar o‘rnida bugungi kunda 2-3 qavatli go‘zal imoratlar qad rostlamoqda. “Ko‘k bozor”ga kelib birlashadigan Toshkent ko‘chasi, Bog‘don, Alisher Navoiy ko‘chalari 50 metrga kengaytirilib, ikki tomonlama qatnovni yo‘lga qo‘yish bo‘yicha ishlar bajarilmoqda[9].

Mustaqillik ko‘chasiningbir tomonida biri-birini takrorlamaydigan ko‘p qavatli binolar, savdo shoxobchalari qad ko‘targan. “Eski shahar dehqon bozori” va “Eski shahar buyum bozori” ham zamonaviy me’moriy echimga ega ekanligi, xaridor hamda sotuvchi uchun qulay sharoit yaratib berilganligi bilan ajralib turadi. Ana shu ko‘chadagi “Oybek” klinikasi, “Zilol” mahalla fuqarolar yig‘ini idorasi va boshqa ko‘rkam binolar ham bugungi kunda shahar ko‘rkiga yarashib turibdi. Mustaqillik ko‘chasidagi yo‘lning kengligi 50 metrni tashkil qilib, aynan shu ko‘chada yo‘l osti yo‘li qurilgan[10], mustaqillikning 23 yilligi bayrami arafasida foydalanishga topshirilgan. 2015 yil avgustida Jizzax shahrining Alisher Navoiy ko‘chasida tijorat banklari mablag‘lari hisobidan qad rostlagan 5 ta ko‘p qavatli turar joy binolari foydalanishga topshirildi[11].

Loyiha-smeta hujjatlariga ko‘ra, Jizzax shahrining markaziy qismidagi “Sug‘diyona” stadioni o‘rnida 11.650 tomoshabinga mo‘ljallangan sport majmuasi qurilishining qiymati 56 mlrd so‘mni tashkil etdi. Bugungi kunda sport majmuasida qurilish-montaj ishlari to‘liq bajarilib, ob’ekt foydalanishga topshirildi. Sport majmuasi asosan mebel va inventarlar bilan jihozlangan sport arenasi, ma’muriy bino, sport zal va yopiq suzish havzasi, nazorat o‘tkazish punktlari, tashqi to‘siq, tashqi muxandislik tarmoqlari, suv qudug‘i, yo‘lakchalar, sug‘orish tarmoqlari, yoritish minoralari va favvoralar, minifutbol maydoni, tashqi yoritish chiroqlari, 2 sport sport zali va yopiq suzish havzasidan iboratdir.

“Mustaqillik” ko‘chasidagi 38 ta hamda “Navoiy” ko‘chasida 6 ta ko‘p qavatli uylarda qurilish ishlari olib borilib, bugungi kunda 65,1 mlrd so‘mdan ortiqroq qurilish ishlari amalga oshirildi.

Yo‘l mintaqasiga (qizil chiziqga) tushgan “Mustaqillik” ko‘chasidagi 25 ta va “Navoiy” ko‘chasidagi 146 ta turar joy hamda shahar hududida 210 ta noturar joy binolari buzildi. Ularning o‘rniga yangi zamonaviy ko‘rinishdagi ko‘p qavatli uy-joylar qurilmoqda. Buzilishga tushgan jami 249 nafar fuqarolarga uy-joylar uchun 18,5 mlrd so‘mlik kompensatsiya pullari to‘langan. YAngi uylar qurish uchun viloyatdagi nufuzli 8 ta tijorat banki tomonidan 15 yil muddatga kreditlar ajratilmoqda. 3 qavatli uylarning birinchi qavatida asosan savdo va maishiy xizmat ko‘rsatish shoxobchalarini joylashtirish rejalashtirilgan.

2014 yilda Jizzax shahrida 1991 yilgacha qurilgan 15 ta uy mukammal, 120 ta uy joriy ta’mirlandi[12]. 2015 yil mustaqillik bayrami arafasida Jizzax shahrida 10 gektar maydonni egallagan zamonaviy xiyobon to‘liq foydalanishga topshiriladi. Unda musiqali favvora, salqin ichimliklar, muzqaymoq sotadigan xizmat ko‘rsatish shoxobchalari, bolalar uchun turli attarksionlar dam oluvchilarning ixtiyoridadir. Bu hiyobon qurilishi 2015 yil 14 martida boshlanib, shu yilning 15 iyuniga kelib ishga tushirildi. Yangi xiyobon qurilishisha 3 milliard so‘mlik byudjet mablag‘i sarflangan. Xiyobondagi musiqali favvoraning bo‘yi 30, eni 15 metrni tashkil etib, 25 metr yuqoriga suv purkash qudratiga ega. Oqshomlari bu erda 2-2,5 ming aholi dam olib, hordiq chiqarmoqda[13]. Hozirga qadar Jizzax shahrida ana shunday 21 ta istirohat bog‘lari shahar aholisi hamda uning

mehmonlari ixtiyoriga topshirilgan[14].

2015 yilda Investitsiya dasturi asosida viloyatda sog‘liqni saqlash tizimidagi 8 ta shifo maskanida, xalq ta’limi tizimidagi 14 ta va o‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi tizimidagi 9 ta o‘quv muassasalarida jami 33,9 milliard so‘mlik kapital rekonstruksiya va ta’mirlash ishlari olib borildi[15].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1999 yil 2 martdagi farmoniga asosan 9-may Xotira va qadrlash kuni deb e’lon kilinib, respublika poytaxtida va barcha viloyatlar markazida Xotira maydonlari tashkil etildi. Jizzax shahrida barpo etilgan xotira bog‘i va undagi motamsaro ona haykali 2016 yilda qayta qurildi va yangidan ta’mirlash ishlari amalga oshirildi.

Jizzax shahridagi Xotira bog‘idagi qurilish ishlari 2016 yilning 25 yanvarida “Jizzax tadqiqot” mas’uliyati cheklangan jamiyati loyiha smeta hujjatlari asosida boshlanib, mazkur jamiyat quruvchilari tomonidan amalga oshirildi. Bu erda 2 ta ayvon qurilib, unga Ikkinchi jahon urushida halok bo‘lganlarning ismlari yozilgan “Xotira kitobi” o‘rnatildi. Bundan tashqari kirish darvozalari ta’mirlandi. 800 metr 2 joyga bruschatka beton qoplamalari, 1200 metr$^2$ joyga granit tabiiy toshi bilan pardozlash ishlari bajarildi.660 metr joy temir panjaralar bilan uraldi. Bu ishlar uchun esa 6 milliard so‘mga yaqin pul mablag‘i ajratildi. 4,5 gektarlik er maydonida esa obodonlashtirish va ko‘kalamzorlashtirish ishlari bajarilib, 2 ming tupga yaqin kashtan, qrim qarag‘ayi, oq qayin, lola kabi manzarali daraxt ko‘chatlari o‘tkazildi[16].

Hududlarda adliya tizimidagi davlat notarial idoralari uchun zamonaviy binolar qurilib, foydalanishga topshirilishi viloyat fuqarolariga malakali yuridik xizmat ko‘rsatish sifati ham rivojlanib borishiga yordam bermoqda. Xususan, 2015 dekabrida Jizzax shahar 1-son davlat notarial idorasi binosi bunyod etilib, bino qurilishiga 1 milliard so‘mga yaqin davlat mablag‘lari sarflandi[17]. Mustaqillikka erishgan har kanday davlat tarixiy nomlarga hurmat bilan qarash, bu boradagi yo‘qolgan nomlarni tiklash va tartibga solish ishini o‘z qo‘liga olishi kerak. Bunda yirik shaharlarning nomlarinigina emas, balki o‘rta va kichik shaharlar, shaharchalar, qishloklar nomlarini ham qayta tiklash zarurligi o‘z-o‘zidan ayon, chunki mustaqillik yo‘liga kirgan davlat uchun toponimika masalasi madaniy va ilmiy masalagina emas, balki siyosiy masala hamdir.

**Iqtiboslar/Сноски/References:**


1. Ш.М.Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашамиз”. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ 2017 йил. 345 б. (Sh.M. Mirziyoev. "We will fight for our great future together with our brave and noble people." Tashkent "Uzbekistan" NMIU 2017. 345.)
2. Qarang.Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 4 dekabridagi “SHahar va shaharchalarning bosh rejalarini hamda qishloq fuqarolar yig‘inlari hududlarini arxitektura-rejalashtirish jihatidan tashkil etish loyihalarini ishlab chiqish va amalga oishirsh tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 286-sonli qarori
3. Babajanov A.R., Muqumov A.M., Sharipov S.R. Hududlarni rivojlantirish (o‘quv qo‘llanma). T: 2019.340-б.
4. Jizzax viloyati davlat arxivi, 448-fond, 3-ro'yxat, 88-ish, 8- varaqlar.
5. Jizzax viloyati davlat arxivi, 448-fond, 3-ro'yxat, 88-ish, 9- varaq.
6. Jizzax viloyati davlat arxivi, 448-fond, 3-ro'yxat, 40-ish, 19- varaq.
7. Jizzax viloyati davlat arxivi, 448-fond, 6-ruyxat, 70-ish, 2- varaq.
8. Jizzax viloyati davlat arxivi, 448-fond, 3-ro'yxat, 88-ish, 24- varaq.
9. Аҳмедов А., Адилов У. Бугуни обод, эртаси нурафшон// Жиззах ҳақиқати. – 2014. - №1-2 (5414- 5415). (Ahmedov A., Adilov U. Today is prosperous, tomorrow is bright// The truth of Jizzakh. – 2014. - #1-2 (5414-5415).
10. Камолов Т. Жиззах гўзал шаҳарга айланади // Жиззах ҳақиқати. – 2014. - №1 6 (5429). (Kamolov T. Jizzakh will become a beautiful city // The truth of Jizzakh. – 2014. - No. 16 (5429).
11. Kamolov T. Yangi uylar quvonchi // Jizzax haqiqati. – 2015. - №65 (5585).

12. Kamolov T. Viloyat faollarining yig'ilishi // Jizzax haqiqati. – 2014. - №92 (5505). Мусиқали рангли фаввора шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хуш кайфият бағишлаяпти // Жиззах ҳақиқати. – 2015. - №71 (5591). (The colored fountain with music brings a good mood to the residents and visitors of our city // The truth of Jizzakh. – 2015. - No. 71 (5591).
13. Исмоилов М. Обод манзилга айланаётган шаҳар // Жиззах ҳақиқати. – 2015. - №70 (5590). (Ismailov M. A city that is becoming a prosperous destination // The reality of Jizzakh. – 2015. - #70 (5590)
14. Jizzax viloyati hokimining protsessiga Yangi yil bayrami tabiati // Jizzax haqiqati. – 2016. – 1 yanvar (№1-2). (11. Jizzax viloyati hokimining viloyat ahliga yangi yil tabrigi // Jizzax haqiqati. – 2016. – 1 yanvar (№1-2)
15. Jizzax shahridagi «Xotira xiyoboni» qayta rekonstruksiya qilinmoqda // http://jizzaxtv.uz/2016/05/ (Jizzaxshahridagi "Xotirahiyoboni" rekonstruksiya qilindi // http://jizzaxtv.uz/2016/05/
16. Malikov M. Bunyodkorlik – davr talabi ( Malikov M. Ijod – zamon talabi/)// http://jizzax.adliya.uz/jizzax/uz/news/detail.php?ID=21389
17. Erkiny zonalar ostidagi. 1996 yil 25 aprel. (Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risidagi qonun. 1996 yil 25 aprel).
18. Abdusamatov A. “Yanada yuksak marralar sari”. Jizzax haqiqati, 2015 y. №70 (5590) (A. Abdusamatov “Yuksak marralar sari”. Jizzax haqiqati. 2015 yil №70 (5590)
19. Beknazar T. Vvedeno v stroy novoe predpriyatie. Djizzakskaya provda 2016. 9 yanvar №4. (Beknazarov T. Vvedeno v stroy novoe predpriyatie. Djizzakskaya provda 2016 yil. 9 yanvar №4.)Latipov D.V, Mirzaev M.K. O‘zbekiston Respublikasi shaharsozligi asoslari. – T., 2000.
20. Tursunov H.K., Mirzaev M.K. “Shaharsozlik iqtisodiyoti asoslari” T.2002y.

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Жанилсин Жалгасовна Айтмуратова,**
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Қорақалпоқ Давлат университети
«Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихи»
кафедраси доцент в.б.
E-mail: aytmuratova 88.88@ mail.ru

# ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯККАХОН ИЖРОЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТИ

**For citation:** Janilsin J. Aytmuratova, MERITS OF SOLO PERFORMERS IN THE DEVELOPMENT OF KARAKALPAK SINGING ART. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XX асрнинг 50-60- йилларида республикамиз театр саҳнасида, якка қўшиқ ижро этишда ўз истеъдоди билан танилган Қорақалпоғистон қўшиқчилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўшган якка ижрочилар фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтилади. Айимхон Шамуратова, Тарбия Жолимбетова, Гулхан Шеразиева, Арзигул Атамуратова, Тўхта Рахманова,Фатима Бекполатова, Тилеухан Ахмедова, Қалбике Матякубова ва Сулухан Мамбетоваларнинг актриса ва қўшиқчилар сифатида ўз репертуаридаги моҳирона ижро қилган қўшиқлари орқали халқимиз юрагидан жой олиб, қорақалпоқ қизларининг санъатга қўйган илк қадамлари ҳақида сўз боради.

**Таянч сўзлар**: театр, саҳна устаси, актриса, спектакл, театр образлари, халқ қўшиқлари.

---

**Жанилсин Жалгасовна Айтмуратова**
Каракалпакский государственный университет.
и.о.доцента кафедры истории Узбекистана и Каракалпакстана.
Доктор философии по историческим наукам (PhD)
E-mail: aytmuratova 88.88@ mail.ru

# ЗАСЛУГИ СОЛЬНЫХ ИСПОЛНИТЕЛЕЙ В РАЗВИТИИ КАРАКАЛПАКСКОГО ПЕВЧЕСКОГО ИСКУССТВА

**АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена деятельности сольных исполнителей, внесших свой вклад в развитие певческого искусства Каракалпакстана, известных своим талантом исполнения сольных песен на сцене театра нашей республики в 50-60-е годы XX века. Айымхан Шамуратова, Тарбия Жолимбетова, Гульхан Шеразиева, Арзигуль Атамуратова, Тохта Рахманова, Фатима Бекполатова, Тилеусан Ахмедова, Калбике Матякубова и Сулёхан Мамбетова как актрисы и

певицы умело исполнили песни из своего репертуара, заняв место в сердцах нашего народа и заговорив о первых шагах каракалпакских девушек в искусстве.

**Ключевые слова:** театр, мастер сцены, актриса, спектакль, театральные персонажи, народные песни.

---

**Janilsin J. Aytmuratova**
Karakalpak State University.Department
of history of Uzbekistan and Karakalpakstan
Doctor of philosophy in historical sciences (PhD)
E-mail: aytmuratova 88.88@ mail.ru

## MERITS OF SOLO PERFORMERS IN THE DEVELOPMENT OF KARAKALPAK SINGING ART

**ABSTRACT**

The article is devoted to the activities of solo performers who contributed to the development of the singing art of Karakalpakstan, known for their talent of performing solo songs on the stage of the theater of our republic in the 50-60s of the twentieth century. Ayymkhan Shamuratova, Tarbiya Zholimbetova, Gulkhan Sherazieva, Arzigul Atamuratova, Tokhta Rakhmanova, Fatima Bekpolatova, Tileusan Akhmedova, Kalbike Matyakubova and Sulyokhan Mambetova as actresses and singers skillfully performed songs from their repertoire, taking a place in the hearts of our people and talking about the first steps of Karakalpak girls in art.

**Index Terms:** Theater, stage master, actress, performance, theatrical characters, folk songs.

---

**1. Долзарблиги:**

Ҳар бир миллатнинг ўз маданияти ва санъати унинг халқ сифатидаги қадр-қимматини белгилаб берувчи асосий омилларидан биридир. Инсоният вужудга келибдики, ўзининг бутун салоҳиятини ишга солиб, яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик, мушоҳадакорлик борасида тинимсиз изланади, бундан эстетик завқ олади ва бу жараёнда руҳан юксалади. Ҳар миллат ўзининг маданияти ва санъатининг қудрати боис жаҳон тамаддунидан мустаҳкам жой эгаллайди.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мамлакатимиз ўзининг жаҳон майдонидаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш йўлидан борар экан миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширди. Бунинг яққол мисоли сифатида давлатимиз раҳбари томонидан «Маданият ва санъат соҳасининг ривожланиши», «Жамият ҳаётида маданият ва санъатнинг ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қабул қилинган қатор Қарор ва Фармонлари соҳанинг ривожи учун зарур бўлган улкан имкониятлар эшигини очади. Шу нуқтаи назаридан Қорақалпоқ қўшиқчилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўшган ижрочиларимизнинг ижодий фаолиятини бугинги ёшларга яқиндан таништириш мақсадида уларнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз.

**3.Тадқиқот натижалари:**

XX асрнинг 50-80 йилларида Қорақалпоғистон қўшиқчилик санъатининг ривожланишида якка ижрочилар фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Улардан Айымхан Шамуратова 1968 йил «СССР халқ артисти» унвонини олган [1]. У Қорақалпоқ давлат театрида бош ролларни ижро этиш билан бирга қардош халқларнинг қўшиқларини ҳам куйлаган.

XX асрнинг 50-60 йилларида яккахон қўшиқчилардан Тарбия Жолимбетова (1917-1963), Гулхан Шеразиева (1920-1978), Арзигул Атамуратова (1923-2017), Тўхта Рахманова

(1934 ), Фатима Бекполатова, Тилеухан Ахмедова, Қалбике Матякубова ва Сулыўхан Мамбетовалар ўз истеъдоди билан танилган. Улар ўз репертуаридаги моҳирона ижро қилган қўшиқлари орқали халқнинг юрагидан чуқур жой олган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Гулхан Шерозиева мусиқали спектаклларда бош ролни ижро қилиш билан бирга қорақалпоқ халқ қўшиқларини ўз репертуарида мерос қилиб қолдирган[2].

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Арзигул Атамуратова 40 йилдан кўпроқ Қорақалпоғистон саньатини ривожлантиришга ўз умрини бағишлаган. Арзигул Атамуротова «Дембермес», «Ешбай». «Жети асырим», «Бес перде», «Баҳар суйген яр», «Бугун бахыт бағиндамиз», «Танг самаллари», «Нөкис гуллери», «Бағман қиз», «Яр-яр» қўшиқларини ижро этган.

ХХ асрнинг 60-80 йилларида ўзининг хуш овози истеъдоди билан танилган қорақалпоқ қизлари халқ қўшиқларини дунёга танитдилар. 1959 йили Москвада бўлиб ўтган Қорақалпоғистон адабиёти ва маданияти кунларида Гулпаршин Сырымбетова «Дәрьясан» қўшиғини ижро этган. Истеъдод соҳиби Тамара Дўшумованинг «Дем бермес», «Налыш», «Дўстима», «Йўлларим» қўшиқлари халқ хотирасида ўчмас наволар сифатида қолган[3].

ХХ асрнинг 60-70 йилларида ажойиб истеъдод эгаси Даўытбай Қайыпов етти йиллик фаолияти давомида бетакрор қўшиқлари, жарангдор овози билан қорақалпоқ халқининг юрагидан ўрин олган.

ХХ асрнинг 80 йилларида қорақалпоқча миллий қўшиқларнинг эстрада йўналишида қайта ишланган вариантлари пайдо бўлди. Унда қорақалпоқ эстрадасини бир поғонага кўтарган[4] Даутбой Қайипов, Замира Хожаназароваларнинг хизматлари катта бўлган. З. Хожаназарова «Анажаным», «Толқын», «Жаным кимди жақсы көресен?» сўзи Г.Шамуратова мусиқаси Д.Жанабаева. «Қайларда едиң мухаббат?», «Шағалалар», «Баҳар самалы», «Келмединң», «Маған келип кет», «Туўылған жер», «Айралық», «Бердақ» мусиқали драмасидан арияларни ижро этиб, қорақалпоқ миллий қўшиқчилик санъатини бойитди. Бу икки истеъдод эгаси ўзларининг қисқа умри давомида қорақалпоқ ижрочилик санъати билан юртга танилиб, халқ орасида эъзозланган ҳолда “Сўнмас юлдузлар” сифатида баҳоланди. Қорақалпоқ қўшиқчилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўшган ўзининг 37 йиллик фаолияти давомида хуш овози, жўшқин ҳис туйғулари ва тингловчиларни ўзига жалб қиладиган саҳна маданияти билан танилган Байрам Матжанов (1940-2020) репертуари бой новатор ижрочи сифатида халққа танилган. Б. Матжановнинг репертуар танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, сўзларнинг маъноси билан мусиқанинг ҳамоҳанглигига алоҳида эътибор берган. Б.Матжанов қорақалпоқ қўшиқчилик санъатини қардош халқларга танитиб, Ўзбекистон, Башкирдистон, Қорақалпоғистон халқ артисти унвони ва давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов шогирдлари орасида Отажон Худайшукуровга «Амударёнинг нариги томонида тенгдошларидан ўзининг Аллоҳ берган овози билан ажралиб турадиган, истеъдодли бир йигит бор. Уни Отажон Худайшукуров дейди. Санъат бўстонининг эртанги булбули ҳам, ғурури ҳам ўша йигит бўлади" – дея таъриф берган эди. Отажон Худайшукуров 1963 йилдан Қорақалпоқ Давлат Филармониясида яккахон хонанда сифатида ижод қилган. Унинг ижодида мумтоз ашулалар билан бирга туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз халқ қўшиқлари ўрин олган. О.Худайшукуров, хонанда, созандалик билан бирга «Мужгонларинг», «Оламда бир», «Биринчи муҳаббатим» каби 300 дан ортиқ қўшиқларнинг бастакори сифатида ҳам танилган. Унга “О.Худойшукуров жозибали, тембрли, барча пардаларда равон ва жарангдор овоз соҳиби бўлган. Унинг қўшиқларидаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик, мазмунан теранлик каби хислатлар тингловчилар қалбидан чуқур жой олган- деб таъриф берилиши бежиз эмас эди”.

ХХ асрнинг 70-80 йилларида Қорақалпоғистон миллий қўшиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратган Базарбой Нодиров[5], Гулпаршын Сырымбетова, Бибираба Утепбергенова, Турсынгул Қайыпназарова, Турсынбай Палымбетов, Утебай Темирханов, Тамара Дошумова, Маржангул Тилеўмуратова, Света Шыныкулова, Махсет Матеков, Ханзада Палўанова,

Перихан Алибековалар ўзларининг такрорланмас истеъдоди билан миллий қўшиқчилик санъатида ўчмас из қолдирди.

Ида Рафикова, Илич Ходжаметов, Махсет Хожаниязов, Давлет Атажанов, Кенесбой Сержанов, Гулхатийша Айимбетова, Базаргул Каримова, Далибай Мамбетмуратов, Мырзагул Сапаева, Роза Кутекеевалар қоракалпоқ миллий қўшиқчилик санъатини янги босқичга кўтардилар. Истеъдодли қўшиқчи Махсет Хожаниязовнинг Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда совриндор бўлиши, Марказий Осиё вокалчилар фестивали лауреати бўлиши қорақалпоқ қўшиқчилиқ санъатининг дунёга танилишида муҳим ўрин тутди.

Қорақалпоғистонда эстрада йўналишининг ривожланишида Илич Ходжаметовнинг ҳам ўрни катта бўлган. И.Ходжаметов томонидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат филармонияси қошида «Қирқ қиз» ревю эстрада ансамбли ташкил этилди. Ансамблнинг қўшиқчиларидан А.Бояркина, Л.Кошан (Россия), И.Вахлаков (Боку) И.Ходжаметов, Қ.Аллаяров, М.Тилеўмуратова, 0.Темирханов, Д.Мамбетмуратов, М.Артикова, З.Камалова, Г.Мунтеева, М.Тажигалиева, Замира ва Инкар Хожаназаровалар, В.Чабан раққосалардан С.Доспанова, Зарема ва Лола Рафиковалар, И.Лосева, И.Швалова, И.Сон, И.Ли, О.Каликовалар Қорақалпоғистон санъатида эстрада жанрининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ансамбль дастлабки вақтлари хорижий ижрочилар репертуарларидан асарлар, ўзбек, қорақалпоқ халқ қўшиқ ва тароналарини қайта ишлаб ижро этган. Хусусан, «Мухаббатыңнан», «Тошкент оқшоми, «Қора толлар», «Туўған жерге», «Шағала», «Толқин» қўшиқлари ҳозирги кунгача халқ хотирасида сақланиб келинмоқда. 1981 йили "Қирық қиз" ансамбли эстрада-хореография ревю деб аталиб, бадиий раҳбар Д.М.Тарлеев ва бош балетмейстер Д. Юсуповлар иш олиб борган.

1981-1982 йиллари ансамбль концерт дастури билан Жанубий Сахалин, Узоқ Шарқ, Камчатка, Кавказ, Қрим, Молдавия, Бурятия Республикаларида, 1983 йили Магадан, Чита, Улан-Уде шаҳарларида, 1986 йили Мойкоп, Украина, Вильнюс, Рига, Белоруссия, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларида гастролда бўлишган. Айниқса, Муяссар Раззакова, Роза Қутекеева, Элиза Айтниязовалар қорақалпоқ операси, халқ қўшиқларини бутун дунёга танилишида ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Жапақ бахши Шамуратовнинг 100 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳрида бахши ижрочиларнинг республика танловини ташкил этилиб, унда қорақалпоғистонлик Т.Қурбанов, М.Пирназаров, ёш қўшиқчи А.Айтниязовлар ғалаба қозонган.

1992 йили 11 санъат ижодкорларининг юбилейларига бағишланган танловлар ва хотира кечалари ўтказилди. Хусусан, Жапақ бақши Шамуратов, Айимхан Шамуратова, А.Хожалепесов, Е.Қосполатов, Ж.Бекмуратов, Д.Қайипов, З.Хожаназаровалар хотирасига бағишланган ёш иқтидорлилар фестиваллари ташкиллаштирилди. Ўтказилган фестивалларда Туркманистоннинг Ташовуз, Хоразм ва Бухоро вилоятидан ҳам меҳмонлар иштирок этган[6].

1993 йили 25-29 январь кунларида Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасининг Маданият кунлари бўлиб ўтди. Бу маданият кунларида Қорақалпоғистоннинг адабиёт ва санъат ижодкорлари Тошкент шаҳрининг давлат театр ва саҳналарида концерт дастурларини тақдим қилдилар. Бир гуруҳ қорақалпоқ ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилади. Улардан Т.Қайипбергенов «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», Г.Айимбетова, М.Сапаева, Р.Сапарова ва Б.Қайиповлар «Ўзбекистон Республикасига хизмат кўрсатган артист» унвони, «Арал қызлары» журналининг бош мухбири Г.Есемуратовага «Ўзбекистон Республикасига хизмат кўрсатган маданият арбоби»[7] унвони берилади.

2007 йил Қорақалпоқ Давлат мусиқали театрининг актрисаси Сарбиназ Аннақулова “Ниҳол” мукофоти лауреати бўлди. У театр актрисаси сифатида «Алпомиш» спектаклида Гулбаршин, С.Хожаниязовнинг «Сүймегенге сүйкенбе» спектаклида Айсанем, К.Рахмановнинг «Яр дийдары» спектаклида Мақпал ва бошқа кўпчилик спектаклларда бош қаҳрамон образларини яратган.

2008 йили “Ниҳол” мукофотининг совриндори ёш қобилият эгаси эстрада қўшиқчиси марҳум Рашид Хожасов ҳақиқий қобилият эгаси сифатидаги хизмати юқори баҳоланиб, «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» ҳурматли унвони берилган.

Сўнгги йилларда Айгул Надирова ўзининг халқ қўшиқлари ва эстрада йўналишидаги миллий қўшиқларни ижрочилик маҳорати билан кўзга ташланди. Унинг ижросида халқ қўшиқлари «Налыш» ва «Юринг қизлар» қўшиқларини замонавийлаштириб айтилган бўлса, Н.Муҳаммединовнинг, «Ёр-ёр айтайин», Ж.Шамуратовнинг «Естелик еттим орамал» қўшиқлари миллийлик услубида юксак маҳорат билан ижро этишган[8].

Мустақиллик қобилиятли ёшларимизнинг жаҳон саҳналарига танилишида муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов опера йўналишидаги алоҳида ижод қобилияти билан 2007 йили “Ниҳол” мукофотини олишга муяссар бўлди. Женисбек Пиязов Франция, Испания, Португалия, Россия, Малайзия, Қозоғистон сингари давлатларда ўтказилган танловларда қатнашди[9]. 2010 йили Президент фармонига мувофиқ “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Ж.Пиязовнинг миллий санъатни жаҳонга танитишдаги тинимсиз ижоди юксак баҳоланиб, 2014 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, 2021-йили “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” унвони берилди.

Истиқлол даврида “Аму тўлқини” фольклор-этнографик ансамбли қорақалпоқ халқининг мусиқа хазиналарини авлодларга етказиб беришда муҳим ўрин тутмоқда. Ансамбль аъзоларидан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гўлхатийша Айимбетова, Қорақалпоғистон республикасига хизмат кўрсатган артистлар Бахтияр Есемуратов, Саламат Қаллибеков, Султан Қосекеевлар халқ ва замонавий қўшиқларни ижро этишда ўз қобилиятларини намоён қилишган.

1999 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан “Зулфия” номидаги давлат мукофотини таъсис этилиши қобилиятли ёшларнинг ижодий ва фаоллигини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда катта ўрин тутди. Бугунги кунгача Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2000 йилдан бошлаб 20 дан ортиқ қизлар Зулфия номидаги давлат мукофотининг ғолиби бўлди.

“Ниҳол” мукофоти ёш қобилият эгаларини аниқлаш ва уларнинг ижодий қобилиятдан янада такомиллаштиришга кенг йўл очди. Қорақалпоғистон Республикасидан мукофотнинг дастлабки ғолиби истеъдодли хонанда Мақсет Утемуратов бўлди. Кейинги йилларда халқ куйлари, эстрада, опера ва рақс йўналишлари бўйича Дилфуза Бекимбетова, Гулнар Алжанова, Элеонора Қутлибулатова, Гулназ Утепова, Сарбиназ Аннакулова, Женисбек Пиязов, Рашид Хожасов, Гулбар Абипова, Ғайрат Бекчанов, Лола Муҳамматдинова, Г.Ахимбетова, Жанибек Пиязов, Адилбек Бахтыбаев, Наўризбек Маҳаммадияровлар “Ниҳол” мукофоти совриндори бўлишди.

**4.Хулосалар:**

XX асрнинг 50-80 йилларида қорақалпоқ мусиқа маданиятини ривожлантиришда профессионал композиторлар янги мусиқалар билан миллий қўшиқчилик санъатининг ривожланишига ҳисса қўша олдилар. Қўшиқчилик санъатида опера жанрини дунёга танитишда Женисбек Пиязовнинг хизматлари катта бўлиб, натижада унинг орқасидан иқтидорли талантлар пайдо бўлмоқда. Қорақалпоғистонда эстрада жанрининг ривожланишида “Аму тўлқини” қорақалпоқ давлат фольклор этнографик ансамбли фаолияти санъатда янги давр бошланганини билдирара эди. Шу билан бирга мустақиллик йиллари республикада рақс санъатининг ривожланишида Айқулаш жулдызлары ансамблининг ўрни катта бўлиб, мазкур ижодкорлар миллий рақс санъати билан Ўрта Осиё республикаларида ва Шарқ тароналари фестивалларида қатор ютуқларни қўлга киритди. Мустақиллик даврида Г.Алламбергенова, З.Шарипова, Т.Қаллиев, Г.Ахымбетовалар қорақалпоқ миллий бахшичилик санъатини дунё халқларига танитишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 апрелда “Иккинчи халқаро Бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай

шароитлар яратишга боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги Қарори миллий бахшичилик санъатини республика ва халқаро миқёсда ривожлантириш учун имкониятлар эшигини очди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Шамуратова А. Шеберликтиң шыңына қарай. Еске тусириўлер. –Нөкис: «Қарақалпақстан» баспасы, 1984.
2. Nadirova A. Qaraqalpaq muzika tariyxi. –Toshkent: 2018.
3. Жиемуратов М. «Аққан жулдызлар» - Нөкис: «Қарақалпақстан» баспасы, 1998.
4. Т.Давлетмуратова, Ә.Әбдикамалов. «Бизге кел…». Нөкис: «Qaraqalpaqstan», 2018-жыл.
5. Қ.Камалов. Ел хызметинде Еске тусириўлер. –Нөкис: «Қарақалпақстан» баспасы, 1995.
6. ҚР МД архиви Фонд-Р229, 1-рўйхат,2443-иш.
7. Айтмуратов, Ж. (2023). Первая Каракалпакская Актриса И Самоотверженный Деятель Искусства. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 4(1), 1-9.
8. Айтмуратов, Ж. (2012). XX әсирдиң биринши ярымында миллий мәдениятымыздың раўажланыўында қарақалпақ мәмлекетлик сазлы театры хызмети. вестник каракалпакского государственного университета имени бердаха, 17(3-4), 36-41.
9. Aytmuratova, J., & Kalimbetov, B. (2022). Service of representatives of modern singing arts in karakalpak musical culture. Science and innovation, 1(C4), 214-220.
10. Aytmuratov, J., & Aytmuratova, J. (2020). FOLK MUSIC IN THE ART OF THE KARAKALPAK BAKHSY: THE PROBLEM OF EMERGENCE. Polish Journal of Science, (29-1), 58-62.

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,**
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Гуманитар фанлар кафедраси мудири
т.ф.ф.д. (PhD), доцент

# СУРОНЛИ ЙИЛЛАРДА АЙРИЛМАГАН ТАҚДИРЛАР (ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ИСҲОҚ ВА ҲАБИБУЛЛА КОМИЛОВНИНГ МАРДОНОВОР ЙЎЛИ)

**For citation:** Khasan B. Babadzhanov, DESTINIES NOT SEPARATED BY HARD LIFE (THE PATH OF ISKHAK AND KHABIBULLA KOMILOVYKS DURING THE SECOND WORLD WAR). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада икки инсон, икки ака-ука Комиловлар мисолида ўзбекистонлик шифокорларнинг ҳарбий шароитларда тайёрланиши, бевосита фронтда, госпиталларда фаолияти ва тақдири баён этилади. Ака-ука Комиловлар фронтда фаолияти билан боғлиқ воқеалар фронт шифокорларининг уруш давридаги кундалик ҳаётини очиб беради. Айнан шундай инсонлар меҳнати туфайли фронтда миллионлаб кишилар жароҳатлардан даволаниб чиқди. Аскарлар орасида юқумли касалликлар эпидемиясининг оммавий тарқалиши кузатилмади.

**Калит сўзлар**: Иккинчи жаҳон уруши, тиббиёт, госпитал, кундалик ҳаёт, ҳарбий операциялар.

---

**Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,**
заведующий кафедрой гуманитарных наук ТАТУ
имени Мухаммада аль-Хоразми
(PhD), доцент

# СУДЬБЫ, НЕ РАЗЛУЧЕННЫЕ ЛИХОЛЕТИЕМ (ПУТЬ ИСХАКА И ХАБИБУЛЛЫ КОМИЛОВЫХ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ)

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются вопросы подготовки узбекских врачей в военных условиях, их деятельности и судьбе в госпиталях и на передовой, на примере двух братьев Камиловых. События, связанные с деятельностью братьев Комиловых на фронте, раскрывают повседневную жизнь фронтовых врачей в годы войны. Именно благодаря труду таких людей были излечены от ран на фронте миллионы людей. Массовых вспышек инфекционных заболеваний среди солдат не было.

**Ключевые слова.** Вторая мировая война, медицина, госпиталь, повседневная жизнь, боевые действия.

---

**Khasan B. Babadzhanov,**
Head of the Department of Humanities, TATU
named after Muhammad al-Khwarizmi
(PhD), Associate Professor

## DESTINIES NOT SEPARATED BY HARD LIFE (THE PATH OF ISKHAK AND KHABIBULLA KOMILOVYKS DURING THE SECOND WORLD WAR)

**ABSTRACT**

The article discusses the issues of training Uzbek doctors in military conditions, their activities and fate in hospitals and on the front line, using the example of Kamilov brothers. Events related to the activities of the Komilov brothers at the front reveal the daily life of front-line doctors during the war years. It was thanks to the work of such people that millions of people were healed from wounds at the front. There were no mass outbreaks of infectious diseases among the soldiers

**Index Terms.** World War II, medicine, hospital, everyday life, fighting.

---

**1. Долзарблиги:**

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тиббиёт ҳодимлари ва айниқса, ҳарбий дала жарроҳлари аскарларнинг ҳаёти ва саломатлигини учун курашда олдинги сафларда бўлишди. Шу даврда ўзбекистонлик юзлаб тиббиёт ходимлари фронтга сафарбар этилди. Ака-ука Комиловлар ҳаёти мисолида уруш даврида тиббиёт ходимларининг кундалик турмуши ва машаққатларини билиб олиш мумкин.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Тадқиқотда Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт тиббиёт тизими фаолияти ва фронт шифокорлари турмуши микротарих нуқтаи назаридан очиб берилади. Айнан микротарихий ёндашув алоҳида шахсларнинг ҳаётини қайта тиклаш имконини беради, ҳамда автобиографиянинг манбашунослик аҳамиятини оширди. Микротарих табиий офатлар, урушлар, инқилоблар, очарчилик ва бошқа экстремал шароитларда инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари ўрганишда муҳим сетод ҳисобланади.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ака-ука Исҳоқ ва Ҳабибулла фронтовик шифокорлар Тошкент шаҳрининг Олмазор маҳалласида (ҳозирги “Tashkent city” ўрнида) зиёли оиласида дунёга келишди. Уларнинг оталари Комилжон Ҳакимбой ўғли ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлиб, савдо ишлари билан шуғулланган. Комилжон ота хонадонида шарқ тилларидаги бой кутубхона бўлган. Ўзлари турли тилларни яхши билганлар. Шунинг учун бўлса керак, отанинг фарзандлари ҳам илмга интилдилар.

xalq xo‘jaligi tarmoqlari korxonalariga tegishli arxiv fondlarining muhim manbaviy rolini qayd etish lozim. Ushbu fond yaratuvchilarning hujjatlarida tashkilotlar yaratilish tarixi, tuzilishi va tashkil etilishining o'ziga xos xususiyatlari, xodimlarni nazorat qilish usullari, ishlab chiqarish va mahsulotni sotish ko'lami, shuningdek, ishlab chiqarishning yangi – sotsialistik uslublarini joriy etish bilan bog'liq muammolar aks ettirilgan va mazkur iqtisodiy fondlarning arxiv hujjatlari Sovet hokimiyati o‘rnatilishi, urush yillarining og‘ir sharoitlari, xalq xo‘jaligining barcha sohalarini markazlashtirish, kollektivlashtirish, sanoatlashtirish siyosati, faol ishlab chiqarish, sanoat va qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining sotsialistik usullari, savdo munosabatlari va iqtisodiy kooperatsiya, paxtachilikni monopollashtirishni amalga oshirish, xususiy mulkchilikdan davlat mulkiga o‘tish, mamlakat iqtisodiy hayotining barcha sohalarida boshqaruvning davlat ma’muriy-ma’muriy usulini kuchaytirish jarayonlari bilan bevosita bog‘liq tarixiy manbalar sanaladi.

Arxiv hujjatli merosida ijtimoiy-madaniy o‘zgarishlar mohiyatining aks etishi

Jamiyat hayotining ijtimoiy, maishiy, madaniy sohalarining shakllanishi va rivojlanishi, shuningdek, undagi jamoat tashkilotlarining shakllanishi va faoliyati o‘ziga xos tarixiy xususiyatlarga ega bo‘lib, ularni arxiv fondlari hujjatlari orqali o‘rganish maqsadga muvofiq. O‘zRMA 1960 yilgi yo‘lko‘rsatkichning tavsifiy maqolalarida (annotatsiyalarda) bunday tashkilotlar fondlariga qisqacha sharhlar berilgan (87 ta fondga sharhlar berilgan, yana 43 ta fondning nomlari keltirilgan). Jumladan, Yo‘lko‘rsatkichning “Madaniyat va turmush muassasalari va tashkilotlari” nomli beshinchi bo‘limida quyidagi tasnif bo‘yicha tashkilotlar fondlari bo‘yicha ma’lumotlar keltirilgan: xalq ta’limi va fan muassasalari (28 fond), matbaa (8 fond), san'at (5 fond), salomatlik (3 fond). “Mehnat va ijtimoiy ta’minot institutlari” nomli oltinchi bo‘limida 6 ta fond bo‘yicha tavsiflar tuzilgan. “Kasaba uyushmalari va jamoat tashkilotlari” nomli yettinchi bo‘limida kasaba uyushmalari (26 fond), jamoat tashkilotlari (9 fond), sport tashkilotlari (3 fond) mablag‘lari tavsiflanadi. Yuqorida qayd etilgan arxiv fondlaridagi saqlash birliklari soniga ko‘ra ularni uch guruhga bo‘lish mumkin (3-jadvalga qarang).

**3-jadval**

**Yo‘lko‘rsatkichda sharhi keltirilgan ijtimoiy-madaniy soha tashkilotlari fondlarning tasnifiy guruhlari***

| № | Guruh turi | Fondlar soni | Fond nomlari (misollar) |
|---|---|---|---|
| 1. | Yirik fondlar | 14 | O‘zbekiston kasaba uyushmalari markaziy boshqarmalari va respublika qo‘mitalari,<br>Markaziy Osiyo Davlat reja komissiyasi huzuridagi Iqtisodiyot tadqiqot instituti,<br>O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Mehnat Xalq Komissarligi |
| 2. | O'rtacha fondlar | 18 | O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Maorif xalq komissarligi,<br>Markaziy Osiyo qishloq xo‘jaligi instituti,<br>O‘zbekiston SSR xo‘jalik muassasalari xodimlari kasaba uyushmasi markaziy kengashi |
| 3. | Kichik fondlar | 55 | O‘zbekiston SSR Sog‘liqni saqlash xalq komissarligi,<br>O‘zbekiston ilmiy muhandislik jamiyatlari kengashi,<br>Turkiston Sharq instituti |

* Jadval 1960 yilgi Qo'llanmaning 5, 6, 7-bo'limlarida fondlarga berilgan sharhlar tahlili asosida tuzilgan.

Ta'riflangan fondler sharhlari nisbati kichik fondler ko‘pchilikni tashkil etganidan dalolat beradi, ular 63 %ni tashkil qiladi, undan keyin o'rtacha fondlar – 21 % va eng kam miqdorda yirik

fondlar – 16 %. Yo‘lko‘rsatkich mualliflari tomonidan sharhlash uchun fondlarni bunday tartibda tanlab olganliklarini ijtimoiy va ma’daniy sohalarga oid OICQ bo‘limida saqlanayotgan arxiv fondlarining miqdoriy nisbati, tashkilotlarning faoliyati turi, ish ko'lami, muhimlik darajasi, shuningdek, ushbu fond yaratuvchilarning hujjatlari to'liqligi holati bilan izohlash mumkin. Yo‘lko‘rsatkichning arxiv fondlarnigina tuzilgan sharhlardan kelib chiqib, Turkiston Respublikasi va O‘zbekiston SSRning dastlabki yillarida ijtimoiy, maishiy va madaniy sohalarning eng yirik arxiv fondlariga ega bo‘lgan tashkilotlar qatorida quyidagilarni qayd etish lozim: 97-fond – O‘zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi Mehnat Xalq komissarligi (1019 ta saqlov birligi, fondning davriy chegarasi: 1924-1933), 421-fond – Urush nogironlari, kasal va yarador Qizil Armiya askarlari va ularning oilalariga yordam ko‘rsatish Butun o‘zbek jamiyati (1314 ta saqlov birligi, fondning davriy chegarasi: 1925-1936), fond 736 – Butunittifoq Kasaba uyushmalari Markaziy Kengashining O'rta Osiyo byurosi (2393 ta saqlov birligi, fondning davriy chegarasi: 1923-1934), fond 2089 – Toshkent davlat rus yoshlar teatri Tomoshabinlar (50 ta saqlov birligi, fondning davriy chegarasi: 1945-1948).

Yo‘lko‘rsatkichning 5-, 6-, 7-bo‘limlarida bayon etilgan fondlarning arxiv materiallarida Sovet davlatining tashkil topishi davridagi jamiyatning ijtimoiy, madaniy va ma’naviy hayoti, uning Ikkinchi jahon urushidagi ishtiroki, urushdan keyingi iqtisodiy tiklanish davri, madaniy inqilob yillaridagi madaniy hayoti, aholining ma'naviy hayotini hamda ta'limning barcha tarmoqlarini sovetlashtirish siyosatining amalga oshirilishi haqida manbaviy ma’lumotlar mavjud. Masalan, madaniy qurilish, sovet fanining shakllanishi va rivojlanishi, xalq ta’limining tashkil etilishi, ilmiy muassasalar tarmoqlari, bolalarni tarbiyalash bo‘yicha tadbirlar, aholiga tibbiy xizmat ko‘rsatish bilan bog‘liq jarayonlar madaniyat, ta'lim, sog'liqni saqlash vazirliklari va ularning muassasalari fonlari hujjatlarida yoritilgan. Madaniyat vazirligi, nashriyotlar, tahririyatlar, ijodiy uyushmalar fondlaridagi arxiv fondlarida matbaa va nashriyot, san’at va adabiyot rivojiga oid ma’lumotlar saqlanadi.

Respublika tashkil qilgan dastlabki o‘n yilliklarda Ta'lim va sog'liqni saqlash muassasalarining boshqaruv hujjatlarida sovet ta'lim tizimini yaratish va shu davrgacha mavjud bo'lgan ta'lim muassasalarini butunlay yo'q qilish, aholi o'rtasida davolash-profilaktika ishlarini olib borish, yangi kasalxona, poliklinika, sanatoriylar ochish, ijtimoiy sohadagi tashkilotlarning faoliyat tamoyillari va asosiy vazifalari to‘g‘risida faktlar keltirilgan.

Ilmiy tashkilotlarning hujjatlari xalq xo‘jaligi, madaniyati, turmushi, aholi ijtimoiy hayotini rivojlantirishning muayyan sohalaridagi tadqiqotlari to‘g‘risida ma’lumotlarga ega. O‘zbekiston SSR tashkil etilishining dastlabki yillarida ilk loyiha, ilmiy institutlarning tashkil etilishi, fan va texnikaning rivojlanishi haqida hujjatlar mavjud. Qishloq xo‘jaligi tarmoqlari – paxtachilik, irrigatsiya, melioratsiya, agrotexnika, yangi texnikani sinovdan o‘tkazish, mashina va uskunalarning yangi konstruksiyalarini ishlab chiqish, yangi yerlarni o‘zlashtirishga doir arxiv hujjatlarining salmog‘i nisbatan yuqori ekanligini alohida ta’kidlash joiz.

TASSR Maorif xalq komissarligi huzuridagi Markaziy vaqf boshqarmasi fondlarning hujjatlarida Vaqf masalasini hal etish, vaqf mulkidan madaniy-ma’rifiy maqsadlarda foydalanish o‘z aksini topgan.

Kasaba uyushmalari va jamoat tashkilotlarining mehnatni muhofaza qilish, mehnatkashlar salomatligini mustahkamlash, ularni sotsialistik qurilishga jalb etish va boshqa masalalar bo'yicha faoliyati Butunittifoq kasaba uyushmalari markaziy kengashi Turkbyurosi, O'zbekiston kasaba uyushmalari kengashi fondlarida yoritilgan.

Umuman olganda, O‘zbekiston Respublikasida sovet davrining birinchi o‘n yilliklarida jamiyatning ijtimoiy-madaniy hayoti sohasidagi jamg‘armalarning tavsifi ushbu tarmoqlarni yaratuvchi fondlarning mazmuni, tuzilmasi, ularning tuzilishi, ish tartibi, o'z faoliyatida qaysi tashkilot va muassasalar asos qilib olinganligi to'g'risida me'yoriy hujjatlar haqida ma’lumot olish imkonini beradi. Arxiv jamg‘armalariga tuzilgan sharhlar ham ushbu arxiv fondlarining hujjatli salohiyati bilan tanishish imkoniyatini beradi, bu esa tadqiqotchi uchun qo‘yilgan ilmiy muammoning manbaviy asosini o‘rganishda muhim ahamiyatga ega.

**4. Xulosalar:**

O‘zbekiston Milliy arxivining 1960 yilgi yo‘lko‘rsatkichning tarixiy va manbashunoslik ahamiyatiga oid yuqoridagi tadqiqot yakunida shuni ta’kidlash joizki, uning ilmiy ma’lumotlar va

axborot taqdim etish salohiyati yuqori bo'lib, sovet davridagi yirik tashkilotlarning arxiv fondlari va ularning arxiv manbalarining mazmuni haqida ma'lumotlar mavjud, shuningdek, ushbu davrda mamlakatda faoliyat ko'rsatgan bir necha yuzlab muassasalar, tashkilotlar faoliyati yo'nalishi bo'yicha materiallar mujassamlashgan.

Arxiv jamg'armalari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan arxiv fondlarining qisqacha sharhlari ayniqsa qimmatli. Yo'lko'rsatkichdagi sharhlarda fondlardagi saqlov birliklari soni va fond yaratuvchisining faoliyat yuritgan yillari, arxiv hujjatlarining davriy chegaralari to'g'risidagi ma'lumotlar bilan bir qatorda tavsiflangan fond hujjatlari turlari to'g'risidagi ma'lumotlar mavjud. Arxiv jamg'armalarining hujjatli merosi mazmunini tahlilidan ma'lum bo'lishicha, tashkiliy-ma'muriy hujjatlar salmog'i eng yuqori bo'lib bo'lib, ikkinchi o'rinda hisobot, sharh, tavsif berish xususiyatiga ega hujjatlarni qayd etish kerak, uchinchi guruhni huquqiy-me'yoriy hujjatlar tashkil etadi. O'z navbatida, bunday ma'lumotlar, birinchidan, ma'lum bir boshqaruv organining ish yuritish tizimi bilan tanishish imkonini beradi, ikkinchidan, o'rganilayotgan tashkilot faoliyatining mohiyati, uning g'oyaviy-siyosiy faoliyati, yo'nalishi, asosiy vazifalari, davlat apparati mexanizmidagi o'rni, respublika siyosiy hayotidagi o'rni va ahamiyati haqida ma'lum farazlar berish mumkun bo'ladi.

Yo'lko'rsatkichning sakkiz bo'limida joylashtirilgan arxiv fondlariga qisqacha sharhlar O'zbekiston Respublikasining sho'rolar davridagi davlat boshqaruvi tuzilmasi, xalq xo'jaligining tuzilishi, uning asosiy tarmoqlari, sud-huquq tizimi, faoliyati, tibbiyot, ta'lim, ijtimoiy muassasalar, mehnatkashlar kasaba uyushmalari tizimi, ilmiy muassasalar va ularning asosiy yo'nalishlari, to'g'risida qimmatli ma'lumotlar berib, ularda orasida paxtachilik sohasidagi ilmiy ishlar ustunlik qilganini ko'rsatadi. Buning sababi shundaki, O'zbekiston SSR Sovet davlati tarkibida butun sho'rolar mamlakati uchun asosiy paxta bazasi bo'lgan, shu sababli yuqori paxta hosiliga erishish, paxta maydonlarini kengaytirish, bu sohani rivojlantirishga ko'proq odamlarni jalb qilish respublika oldiga sovet hukumati tomonidan belgilangan asosiy masala edi. Paxta yetishtirish sohasining iqtisodiyotda ham kuzatildi, buning isboti sifatida faoliyati paxta xomashyosini qayta ishlash, qishloq xo'jaligi texnikasi ishlab chiqarish, birlamchi to'qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan bevosita bog'liq bo'lgan yirik zavod va fabrikalarning mavjudligini qayd etish joiz.

Keyinchalik qishloq xo'jaligining bunday bir yoqlama rivojlanishi respublikani, birinchidan, SSSR uchun paxta xomashyosi yetkazib beruvchisiga aylantirdi, ikkinchidan, qishloq xo'jaligining boshqa mahsulotlarini ishlab chiqarishni keskin cheklab, respublikani iqtisodiy jihatdan Ittifoqning boshqa respublikalariga qaram etdi, uchinchidan, respublikada jiddiy ekologik muammolarga olib keldi.Yo'lko'rsatkichning sharhlarida keltirilgan har bir arxiv fondining saqlov birliklari haqidagi miqdoriy ma'lumotlar Turkiston Respublikasi tashkilotlarining fondlari son jihatdan ko'p, lekin ular hajmi jihatidan nisbatan kichikroq va bu holatni TASSRning qisqa davrda mavjudligi bilan bog'lash mumkin.

O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi tashkil topgan davrda faoliyat yuritgan tashkilotlarning arxiv fondlari esa uzoqroq xronologik doirasi va ko'p miqdordagi hujjatli materiallar bilan ajralib turadi, sababi O'zbekiston SSR oltmish besh yil davomida mavjud bo'lgan va bu davrda respublika hayotining ko'plab sohalari sovet davlati me'yorlari asosida faoliyatini olib borgan. Yo'lko'rsatkich ma'lumotlarini o'rganishda tizimli yondashuv o'rganilayotgan davrda aholi va xalq xo'jaligi ob'ektlarining faoliyati tarixiy xususiyatlarini batafsil yoritishga yordam beradi.

**Iqtiboslar/Сноски/References:**


1. Landa L.M., Xalfin N.A. O'zbekiston markaziy davlat arxivining hujjatli materiallari // Вопросы истории, 1947 yil, 8-son.
2. SSSR davlat arxivlari (qisqacha ma'lumotnoma). – Moskva, 1956 yil.
3. Toshkent. Entsiklopediya. - Toshkent, 1992 yil.
4. O'zbekiston SSR tarixi. - Toshkent, 1955 yil.
5. O'zbekiston tarixi. Xrestomatiya. 4-jild / Mas'ul muharrir D.K.Ziyayeva. – Toshkent: Fan, 2014 yil.
6. O'zbekiston tarixi. – Toshkent,.....

7. 7.O‘zSSR Markaziy davlat tarix arxivi yo‘lko‘rsatkichi. Tuzuvchilar: Z.I.Agafonova, N.A.Xalfin / Ya.N.Seriy tahriri ostida. – Toshkent, 1948 yil.
8. O‘zbekiston SSR Markaziy davlat boshqarmasi Oktyabr inqilobi va sotsialistik qurilish fondlari bo‘limi bo‘yicha yo‘lko‘rsatkich / L.M.Land tahriri. – Toshkent, 1960 yil.
9. O‘zbekiston SSR Markaziy davlat boshqarmasining sovet davridagi fondlar katalogi. – Toshkent, 1975 yil.
10. O‘zbekiston Respublikasi MDA fondlari bo‘yicha йўлкўрсаткич. – Toshkent, 1996 yil.
11. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi fondlari bo‘yicha yo‘lko‘rsatkich. – Toshkent, 2013 yil.

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Отабек Маҳмудов,**
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Фарғона давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси мудири
bekmakhmudov@mail.ru

# ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИ ТИЗИМИДА ИСПАНИЯ ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРНИ: СЕВИЛЬЯ ВА МУРСИЯ

**For citation:** Otabek Makhmudov, THE PLACE OF SPANISH CITIES IN THE SYSTEM OF MEDIEVAL EUROPEAN TRANSLATION CENTERS: SEVILLE AND MURCIA. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада лотин тилли манбалар таҳлили асосида Испаниянинг Севилья ва Мурсия шаҳарларида араб-иброний-лотин таржимачилик анъаналарининг шаклланиши ва ривожи, мазкур жараёнда иштирок этган таржимон-олимларнинг фаолияти ёритилган. Муаллиф ўз тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, мазкур икки шаҳарни ўрта аср Европа таржима марказлари тизимидаги биринчи тоифа – илмий ва таълим муассасаси кўринишидаги таржима марказлари қаторига киритиш лозим, деган хулосага келган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда фан тарихида баҳсли ҳисобланган Мурсия мактабининг ташкил топиш санаси масаласига манбалар таҳлили асосида ойдинлик киритилган.

**Калит сўзлар:** Испания, Севилья, Мурсия, араб, иброний, лотин, манбалар, арабшунослик, таржима, таржимонлар, таржима марказлари, мусулмон Шарқи алломалари.

---

**Отабек Махмудов,**
доктор философии по историческим наукам (PhD), доцент
заведующий кафедрой Всемирной истории ФерГУ
bekmakhmudov@mail.ru

# МЕСТО ИСПАНСКИХ ГОРОДОВ В СИСТЕМЕ СРЕДНЕВЕКОВЫХ ЕВРОПЕЙСКИХ ЦЕНТРОВ ПЕРЕВОДА: СЕВИЛЬЯ И МУРСИЯ

**АННОТАЦИЯ**

В статье на основе анализа латиноязычных источников освещается становление и развитие традиции арабо-иврито-латинского перевода в таких городах Испании, как Севилья и Мурсия, а также деятельность ученых-переводчиков, участвовавших в этом процессе. Автор, опираясь на результаты своих исследований, пришел к выводу, что эти два города следует отнести к первой категории в системе средневековых европейских переводческих центров, то есть центров перевода в виде научных и образовательных учреждений. Кроме того, на основе

анализа источников был прояснен вопрос о дате основания Мурсийской школы, являющиеся спорным в истории науки.

**Ключевые слова:** Испания, Севилья, Мурсия, иврит, арабский язык, латынь, источники, арабистика, перевод, переводчики, переводческие центры, ученые мусульманского Востока.

---

**Otabek Makhmudov,**
doctor of philosophy on historical science, assistant professor
Head of the Department of World History of Fergana State University
bekmakhmudov@mail.ru

## THE PLACE OF SPANISH CITIES IN THE SYSTEM OF MEDIEVAL EUROPEAN TRANSLATION CENTERS: SEVILLE AND MURCIA

**ABSTRACT**

Based on the analysis of Latin-language sources, the article highlights the formation and development of the tradition of Arabic-Hebrew-Latin translation in Spanish cities such as Seville and Murcia, as well as the activities of translation scientists involved in this process. The author, based on the results of his research, came to the conclusion that these two cities should be attributed to the first category in the system of medieval European translation centers, that is, translation centers in the form of scientific and educational institutions. In addition, based on the analysis of sources, the issue of the date of foundation of the Mursi School, which is controversial in the history of science, was clarified.

**Index Terms:** Spain, Seville, Murcia, Hebrew, Arabic, Latin, sources, Arabic studies, translation, translators, translation centers, scholars of the Muslim East.

---

**1. Долзарблиги:**

Биз, аввалроқ ўрта аср Европа таржима марказлари тизимида Италия ва жанубий Франция шаҳарларининг тутган ўринини очиб беришга қаратилган мақолаларимизни [10–12, 15] эълон қилган эдик. Қайд этиш жоизки, XII–XIII асрларда араб тилидаги асарларни лотин тилига ўгириш жараёни Европанинг бошқа ҳудудларига қараганда Пиреней ярим оролида анча сермаҳсул бўлган. Бу борада, таржимачилик ишлари асосан ярим оролнинг Испания таркибидаги Барселона, Мурсия, Памплона, Сарагоса, Севилья, Сеговия, Толедо каби шаҳарларида кечган эди.

Мазкур таржима марказлари ичида Толедо алоҳида ўринга эга бўлиб, бошқа шаҳарлардан фарқли равишда бу ерда том маънодаги таржима муассасаси ташкил топган эди. Фан тарихида Толедо таржимонлар мактаби, Толедо таржима мактаби ва Толедо мактаби номлари билан юритилувчи мазкур муассаса тарихи бугунги кунга қадар европалик тарихчилар томонидан муайян даражада ўрганиб келинмоқда. Қайд этиш лозимки, Марказий Осиё олимлари илмий меросини Европадаги илк тадқиқ маркази сифатида ушбу мактаб тарихи юртимизда ҳам махсус [9] ўрганилди. Шундай бўлсада, Испаниянинг Толедодан бошқа шаҳарларида олиб борилган таржимачилик ишлари тарихига маҳаллий тадқиқотларда эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, Толедодан ташқари, Барселона, Мурсия, Памплона, Сарагоса, Севилья ва Сеговия каби шаҳарларда ижод қилган таржимонларнинг бу борадаги хизматлари ҳам алоҳида эътибор ва тадқиқотга лойиқдир. Чунончи, ўрта аср мусулмон Шарқи, шу жумладан Марказий Осиё алломалари асарларининг лотинчага таржима этилишини ҳамда бу улкан илмий меросни Европада кенг ёйилишини уларнинг хизматларисиз тасаввур қилиш анча мушкул. Шу сабабдан ҳам бундан аввалги ишимизда XII–XIII асрлардаги таржима жараёнида Барселона, Памплона, Сарагоса ва Сеговия каби шаҳарларнинг тутган ўринини очиб беришга ҳаракат қилдик. Ўзининг тузилиши, фаолият кўлами ва моҳиятига кўра уларни ўрта аср Европа таржима марказлари тизимининг иккинчи тоифасига, яъни таржима жараёнлари таржимонларнинг мустақил фаолияти кўринишида кечган марказлар қаторига киритиш мақсад мувофиқдир. Тизимда биринчи тоифага кирувчи, яъни таржима жараёнлари

таълим муассасаларида олиб борилган, бошқача айтганда, том маънодаги таржима муассасалари фаолият юритган Мурсия ва Севильядаги жараёнлар эса мазкур мақола учун тадқиқот объекти сифатида танланди. Бундай ёндашувга сабаб, Севилья ва Мурсиядаги таржима жараёнлари аввалги тўрт шаҳардан кўра кейинроқ йўлга қўйилганлигидадир.

**2. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:**

**Мавзуга оид тадқиқотлар шарҳи.** Юқорида санаб ўтилган шаҳарлардан фарқли ўлароқ, XII – XIII асрларда Севилья ва Мурсияда йўлга қўйилган таржима жараёнлари ҳозирга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмай қолмоқда эди. Бу борада, машҳур испан олими Хосе Мария Миллас-Валликроса (1897–1970) ўзининг «El literalismo de los traductores de la corte de Alfonso el Sabio» [16] («Альфонсо Донишманд таржимонлари [ишлари]нинг аслига мувофиқлиги») номли мақоласи эълон қилинган бўлса-да, унда асосий ўрин Толедо мактабидаги таржима услубларининг таҳлилига ажратилиб, Севилья ва Мурсиядаги таржимачилик ишларининг бош ташаббускори Альфонсо X (1252–1284) томонидан мазкур икки шаҳарда ташкил этилган таржимонлар жамоаси фаолиятига эътибор қаратилмаган.

Мадриддаги Карлос III университети кичик илмий ходими Ҳулиан Гомес де Маянинг «De al-Ricotí al rector Sabater: estudios históricos sobre la Universidad de Murcia y sus antecedentes» [14] («Мурсия университети ва унинг ўтмишига оид тарихий тадқиқотлар: ал-Риқотийдан ректор Сабатергача») номли тадқиқотида эса Мурсиянинг таълим маскани сифатидаги ўринини ёритишга ҳаракат қилингани ҳолда, шаҳарнинг таржима жараёнларидаги аҳамияти эътибордан четда қолган. Бундан ташқари, фан тарихида баҳсли бўлган масала – Мурсия мактабининг ташкил топишига доир якуний хулосалар берилмаган. Биз айни масала юзасидан ўз хулосаларимизни қуйироқда баён этамиз.

Наздимизда, мазкур икки шаҳардаги таржима жараёнларига тадқиқотчилар томонидан кам этибор қаратилганлигининг асосий сабаби, ушбу масалага оид манбаларнинг тақчиллигидир.

**Мавзуга оид манбалар таҳлили.** Севилья ва Мурсия шаҳарларида олиб борилган таржимачилик ишларини ёритишдаги ягона бирламчи манба бу – мазкур ишларга бевосита раҳнамолик ва ҳомийлик қилган қирол Альфонсо X муаллифлиги остида ёзилган «Estoria de España» («Испания тарихи») номли асар ҳисобланади. Асарнинг яратилиши уч босқични ўз ичига олади. 1260–1274 йилларда қирол бошчилигидаги Толедо мактаби олимлари томонидан ёзилган асарнинг дастлабки нусхасига милодий биринчи йилдан то 1135 йилгача бўлган воқеалар тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Бу даврда асар юқоридаги ном билан аталган ва 4 қисмдан иборат бўлган. Бироқ, ушбу нусха қиролни қаноатлантирмаганлиги боис, 1282–1284 йилларда асарнинг янги тўлдирилган нусхаси яратилади. Асарнинг мазкур нусхасига 1289 йилга қадар бўлган муддатда Альфонсо Хнинг ўғли Санчо IV (1284–1295) даврида қўшимчалар киритилиб, маълумотлар хронологияси 1255 йилга қадар кенгайтирилади. Тугалланган вариантига «Crónica General de España» [1] («Испания тарихининг умумий йилномаси») деб ном берилган ушбу асар эски кастил тилида ёзилган дастлабки тарихий китоб ҳисобланади. Асарда Толедо мактабида яратилган таржималар, бу ерда олиб борилган астрономик кузатишлар ва уларда иштирок олимларнинг шахсияти, қирол Альфонсо Хнинг таржима методикаси бўйича амалга оширган ислоҳотлари, Севилья ва Мурсияда ташкил этилган янги таълим мактаблари ҳамда бу мактабларга толедолик таржимонларнинг кўчириб олиб келинишига оид қимматли маълумотлар жамланган. Асарнинг турли даврларда кўчирилган нусхалари йигирмадан ортиқ бўлиб, унинг нисбатан қадимги ва тўлиқроқ варианти Эскориал кутубхонасининг Альфонсо даврида яратилган асарлар антологияси (AAS 12) таркибида сақланмоқда. Асарнинг Эскориал кутубхонасида сақланган яна бир Es 13 рақамли нусхаси мавжуд бўлиб, у «La Crónica general e grand Estoria» [2] («Умумий солнома ва буюк тарих») деб номланади. Ушбу қўлёзма матнининг таҳлили уни 1312–1364 йилларда Кастилия қироллигининг ўша даврдаги бош нотариуси ва муҳрдори бўлган Фернан Санчес де Вальядолид (ваф. 1364) томонидан янги қўшимчалар киритилиб, маълумотлар хронологияси 1325 йилга қадар кенгайтирилган варианти эканлигидан далолат бермоқда. Бу нусхада ҳам муаллиф сифатида қирол Альфонсо X кўрсатилган.

Асарнинг қўлёзмаси унинг замонавий испан тилидаги изоҳли таржимаси билан «General estoria» («Умумий тарих») номи остида 2009 йилда Хосе Антонио де Кастро фонди [3–8] томонидан Мадридда чоп этилди.

**3. Тадқиқот натижалари:**

**3.1. Севилья.** Испания ҳудудидаги мусулмонлар ҳукмронлиги энг узоқ давом этган шаҳарлардан бири ҳисобланган Севилья 712–1248 йиллар оралиғида расман исломий ҳокимият бошқаруви остида бўлган. Шу сабабдан ҳам мусулмон маданияти XVII аср ўрталарига қадар ўзининг таъсирини сақлаб қолган бўлиб, бу даврда ҳам шаҳарда яшовчи мусулмонлар кўпчиликни ташкил этар эди.

Севильяни арабшунослик таржима марказига айланиши XIII асрнинг ўртасида, яъни қирол Альфонсо X даврида юз берган. Аниқроқ қилиб айтганда, 1254 йилда қирол ташаббуси билан шаҳарда Escuela Estudio de latín e de arábigo (Лотин ва араб тилларини ўқитиш мактаби) ташкил қилинган.

Биз томонимиздан ушбу мактабни таржима марказлари қаторига киритилганлигининг боиси, Альфонсо X ўзининг Толедо мактабидаги таржимонларни бир қисмини мазкур муассасага кўчириб олиб келган. Натижада, Севилья мактабида ҳам таржимачилик ишлари йўлга қўйилади. Бу борадаги қисқа маълумотлар, «Crónica General de España»да келтирилган. Мақоланинг манбашунослик қисмида айтиб ўтилганидек, мазкур асар қирол Альфонсо Хнинг шахсий ташаббуси билан ёзилган эди. Қайд этилишича, қирол отаси Фернандо III (1217–1252) томонидан 1248 йилда мусулмонлардан тортиб олган Севильяга ўз олимларини кўчиртириб, шаҳарда ташкил қилган янги мактабда ижод қилишлари учун яшаш жойи ва маош ажратади [6: 457]. Асардаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, бу ерга Толедо мактабининг Альфонсо X даврида ижод қилган таржимонларнинг энг машҳурлари, жумладан Яҳуд ибн Моше Коэн, Исҳоқ ибн Сид, Самуэл Леви, Авраам де Толедо, Алваро де Овиедо, Феррандо де Толедони кўчиб келишган. Бироқ, манбадаги маълумотлар таҳлили ушбу таржимонларни Севильяда доимий яшаб қолмасдан, уларнинг фаолиятига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб Толедо, Севилья ва кейинчалик қирол томонидан асос солинган яна бир илмий марказ Мурсиядаги муассасада ҳам ижод қилганликларини далолат бермоқда.

«Crónica General de España»да қирол мактаб фаолияти ва толедолик олимлар учун шаҳардаги қароргоҳи Real alcázar (Қироллик қасри)нинг жанубий қисмидан махсус жой ажратиб, қўшимча хоналар қурдирган [6: 458]лиги қайд этилган. Бундан ташқари, асарда Севилья мактабини бошқариш астроном ва таржимон Яҳуд ибн Моше Коэнга топширилганлиги, толедолик олимлар бу ерда ижод қилиш билан бирга ўқувчиларга лотин ва араб тилларидан таълим берганликлари [7: 234] тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бундан англашиладики, мактаб ўзининг тузилиши ва фаолиятининг моҳиятига кўра таълим муассасаси бўлиш баробарида, илмий изланишлар олиб борилувчи маскан ҳам эди. Агар, юқорида исмлари тилга олинган таржимон-олимларни асосан астрономия, математика ва фалсафа соҳаларида ижод қилганликларини инобатга олсак, мактабдаги илмий изланишлар мазкур уч йўналиш доирасида олиб борилган, деган фикрни илгари суриш мумкин бўлади.

Аммо, бу ердаги таржимонлик фаолияти Толедо мактабидек сермаҳсуллик касб этмаган. Асарлари Севильяда кастил тилига ўгирилган ўрта аср Шарқ олимлари рўйхати ҳам кам сонли бўлиб, улардан энг машҳури Абдураҳмон ас-Сўфий (903–986) ҳисобланади. Бу ерда алломанинг «Китоб фи сувар ал-кавокиб ас-сабита» («Қўзғалмас юлдузлар туркумига оид китоб») номли асари таржима қилинган.

Севильяда Альфонсо X раҳнамолигида таржимонлик билан шуғулланган яна бир шахс Сиеналик Бонавентура бўлиб, у қиролнинг шахсий котиби лавозимида ишлаган. Таржима тарихида Сиеналик Бонавентура «Қурʾон»нинг айрим қисмларини Альфонсо X топшириғига биноан кастил тилидан эски французь тилига ўгирган таржимон сифатида ном қолдирган бўлиб, у томонидан яратилган мазкур таржима «Қурʾон»нинг эски французь тилидаги илк нусхаси ҳисобланади. Қайд этиш зарурки, Севилья мактабида асосан бадиий адабиёт намуналари, шу жумладан «Калила ва Димна» ва «Ас-Синдиод ал-баҳри» каби нодир

китоблар ҳамда антик давр олимлари асарларининг Толедода яратилган лотинча таржималарини бир қисмигина кастил тилига ўгирилган.

**3.2. Мурсия.** Пиреней ярим оролининг жануби-шарқида жойлашган мазкур шаҳарга 825 йилда Қуртоба амири Абдураҳмон II (822–852) асос солган. Қуртоба халифалиги инқирозидан сўнг бу ерда Мурсия амирлиги ташкил топади. 1243 йилда ҳали тахтга ўтирмаган инфант Альфонсо X томонидан Мурсияда Кастилия протекторати ўрнатилган. Расман 1258 йилда христианлар ҳокимияти ўрнатилган ушбу шаҳар мусулмон маданияти тараққий этган ва маҳаллий анъаналарга ўзининг кучли таъсирини ўтказган маданий марказларидан бири эди.

Юқорида таъкидланганидек, Мурсияда ҳам Альфонсо X ўз мактабини ташкил этади. Кастилча Escuela de Murcia (Мурсия мактаби) деб номланган мазкур маскан тузилиши ва фаолият қамровига кўра том маънодаги таълим муассасаси кўринишида бўлган. Замонавий давр илмий адабиётларига ушбу мактаб хусусида гап борганда унга қирол томонидан 1269 йилда асос солингани ва муассасага математик олим ал-Риқотий исмли шахс раҳбар этиб тайинланган [14: 25]лигига оид қисқа қайдлар учрайди, холос. Аммо, манбаларда мавжуд маълумотлар таҳлили Альфонсо X 1254 йилда Севильяда мактаб ташкил этиш вақтида Толедодан чақиртирилган таржимон ва олимларнинг бир қисмини Мурсияга жўнатганлиги ҳамда у ерда ҳам янги мактаб ташкил қилиш бўйича кўрсатма берганлигидан далолат бермоқда. Мисол учун бу ҳақидаги маълумот «Crónica General de España»да келтирилган. Унга кўра, қирол ўзининг толедолик таржимонларидан Хуан де Аспа, Гуиллен Арремон, Эдигио де Парма, Хуан де Месина, Хуан де Кремона, Самуэл эл-Левини «Studim arabicum et hebraicum» (араб ва иброний тилларини ўқитиш) мактабини бунёд этиш учун Мурсияга йўллайди ва уларга айни вақтда Севильяда бўлиб турган Исҳоқ ибн Сидни бош қилади [7: 358]. Агар, «Crónica General de España»даги маълумотлар 1255 йилгача бўлган воқеликларни ўз ичига олишини инобатга олсак, мактаб илмий адабиётларда таъкидланганидек, 1269 йилда эмас, балки ундан аввалроқ ташкил этилган, деган хулоса келиб чиқади. Тадқиқот давомида Мурсия мактабини 1269 йилда ташкил қилинганлигига оид маълумотнинг манбавий асосини топа олмадик. Мазкур маълумот келтирилган бир қанча илмий адабиётлардаги ишораларни ўрганиш ҳам манбаларга эмас, балки аввалги даврлардаги тадқиқотларга олиб чиқмоқда. Таассуфки, бу каби тадқиқотларда ҳам аниқ бир манбага ишоралар мавжуд эмас. Мисол учун, юқорида тилга олинган Ҳулиан Гомес де Маянинг «De al-Ricotí al rector Sabater: estudios históricos sobre la Universidad de Murcia y sus antecedentes» номли йирик тадқиқот ишида ҳам айни масала юзасида аниқ далиллар келтирилмай, Альфосо X Мурсияга келгунга қадар ҳам бу ерда ал-Риқотий ўзининг хусусий мактабига эга бўлган [14: 23-41]лигини айтилади.

«Crónica General de España»даги яна бир маълумотда инфант Альфонсо X отаси [Фернандо III (1217–1252)]нинг топшириғига биноан 1243 йилда Мурсияни Кастилия қироллиги ҳимоясига олинишини тасдиқловчи номани топшириш учун Мурсия шаҳрига бориш чоғида ундан шимолроқдаги Риқота ҳудудида тўхтаб, мусулмонлар орасида катта обрўга эга бўлган машҳур математик Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Риқотий билан учрашган [7: 456]лиги қайд этилган. Араб, иброний, лотин ва кастил тилларини мукаммал билган ҳамда математика, астрономия, фалсафа ва тиббиёт бўйича юксак билим эгаси ҳисобланган ал-Риқотийни Альфонсо X да катта таассурот қолдирганлиги сабаб, инфант олимга барча шароитларни яратиб беришни ваъда қилиб, уни ўзи билан Мурсияга олиб кетган [7: 457]. Риқотий инфант Альфонсо X дан шаҳарда араб ва иброний тилларидан дарс берувчи махсус мактаб очишга рухсат олади [7: 459]. Мазкур мактабни инфант ўз ҳимоясига олиб, уни молиявий қўллаб қувватлаган. Демак, испан олими де Маянинг юқоридаги фикр ҳақиқатга анча яқин. Бироқ, ал-Риқотийнинг хусусий мактаби Альфонсони Мурсияга келгунига қадар эмас, балки у шаҳарга келган вақтида бевосита инфантнинг рухсати ва кўмаги билан ташкил этилган.

«Crónica General de España»га таянадиган бўлсак, 1254 йилда Альфонсо ўзининг толедолик олимларини яшаши учун Мурсиядаги Iglesia Catedral de Santa María la Vieja (Муқаддас Мария-ла-Вьеха черкови)дан жой беришини сўраб, унинг епископи Педро Гальегога мактуб йўллаган [7: 597]. Бироқ, бу черков Мурсия шаҳрида эмас, балки ундан 45

км. жанубдаги Картагена шаҳрида жойлашган. Чунки, тарихдан яхши маълумки, Педро Гальего айнан Картагенада архиепископлик қилган. Мурсияда эса христианлик черкови илк бор 1266 йилда шаҳардаги бош масжидни черковга айлантирилишини натижасида бунёд этилган. Бу черковга ҳам испанча Catedral de Santa María (Муқаддас Мария черкови) номи берилган. Наздимизда, «Crónica General de España»да толедолик олимларини яшаши учун Мурсиядаги черков епископи Педро Гальегога мактуб йўллаганлигига оид маълумотни келтиришда Мурсия шаҳри эмас, балки Мурсия тарихий ҳудуди назарда тутилган бўлиб, юқорида қайд этилгандек бу ерда XI–XII асрлар шу номдаги ярим мустақил амирлик мавжуд эди.

Манбалар ва илмий адабиётларда келтирилган юқоридаги маълумотларни ўзаро қиёсий таҳлилига асосан Мурсия мактабини ташкил этилиши бўйича қуйидагича тўхтамга келиш мумкин:

Мурсия мактаби ҳақиқатдан ҳам Альфонсо X томонидан ташкил қилинган. Бироқ, у илмий адабиётларда қайт этилганидек 1269 йилда эмас, балки расман 1266 йилда ташкил топган. Мактабнинг илк тамал тоши эса 1243 йилда қўйилган. 1254 йилда қирол ўзининг толедолик таржимон-олимларини Мурсия вилоятидаги Картагена шаҳрига жўнатишига Мурсия шаҳрини Кастилия протектората эканлигига қарамасда, шаҳар бошқаруви ҳали ҳам мусулмонлар қўлида эканлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. 1266 йилда кўтарилган мусулмонлар қўзғолонини бостириш чоғида, шаҳарда христианлар ҳокимияти тўлиқ ўрнатилгач Альфонсо X олимлари шаҳардаги Муқаддас Мария черковига кўчирилади ва мазкур черков ўзагида қиролнинг Мурсия мактаби шаклланган. Дастлабки вақтда унга Толедодан таклиф этилган Исҳоқ ибн Сид бошчилик қилган ва мактабда Хуан де Аспа, Гуиллен Арремон, Эдигио де Парма, Хуан де Месина, Хуан де Кремона, Самуэл эл-Леви каби таржимон ва олимлар фаолият юритишган.

Реконкиста жараёнларининг таъсири ҳамда маҳаллий христиан диний арбобларининг босими ва энг асосийси христиан оламида ўзининг мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1269 йилда ал-Риқотийнинг мусулмонлар ва яҳудийларга хизмат қилувчи мактабини қирол ўзи ташкил этган мактаб билан бирлаштириб юборган. Натижада, асосий вазифаси таълим бериш бўлган мактаб турли соҳалар бўйича илмий изланишлар олиб борувчи илмий муассасага айланади.

Мактабнинг дастлабки раҳбари Исҳоқ ибн Сид ҳисобланган. Бироқ, араб ва лотин тилларини мукаммал билмаганлиги учун унинг ўрнига қирол томонидан ал-Риқотий мактаб раҳбарлигига тайинланган бўлиши керак. Мазкур воқелик икки мактабни бирлаштириш чоғида, яъни айнан 1269 йилда юз берган. Демак, бу иш орқали Альфонсо X ҳудудда тобора мустаҳкамланиб бораётган христиан черкови талабини қондириш баробарида, ўз даврининг йирик олими ҳисобланган ал-Риқотий билан дўстона алоқаларни сақлаб қолиш ва уни ўз олимлари қаторидан чиқиб кетмаслигига ҳам ҳаракат қилган.

Мурсия мактабида ҳам Севильяда бўлгани каби асосий вазифа таълим бериш бўлган. Аммо, бу ерда фаолият юритган олимларнинг аксар қисмини толедолик таржимонлар ташкил этганлиги боис, мактабда таржима ишлари ҳам йўлга қўйилади. Жумладан, айни даврда Қуста ибн Луқа (820–912) ва Ибн ал-Ҳайсам (965–1040) каби мусулмон Шарқи олимларининг асарлари кастил тилига таржима қилинган. Толедолик таржимонлар таъсирида маҳаллий мурсиялик олимлар ичидан ҳам таржимонлар етишиб чиқади. Бу каби таржимонлар қаторида XIII асрнинг сўнггида ижод қилган Искандариялик Руфино, Доминго Мароччиларни киритиш мумкин. Улар томонидан Ҳунайн ибн Исҳоқ (809–877)нинг «Масо’ил фи ал-тибб» («Тиббий масалалар»), Али ибн Исо ал-Қаҳҳол (ваф. 1010)нинг «Китоб тадҳират ал-Каҳҳолин» («Кўз табибларининг қайдлари») номли тиббиётга оид муҳим асарлар лотин тилига ўгирилади.

Бу ўринда, бир қанча тилларни мукаммал билган ал-Риқотийнинг ўзи ҳам таржима жараёнида иштирок этганми, деган савол пайдо бўлиши табиийдир. Таассуфки, тадқиқот давомида олимни на мактабга келгунга қадар ва на мактабдаги фаолияти давомида яратган таржималари ёки шахсий асарларига оид маълумотларга дуч келмадик. Бунинг сабаби, олим тўғрисидаги маълумотларни манбаларда жуда кам сақлангани ва борларини ҳам асосан

умумий характерда эканлигидир. Қайд этиш лозимки, ал-Риқотийнинг мактабдаги фаолияти узоқ давом этмаган. Черковнинг доимий босимлари олимни Мурсияни тарк этишга мажбур қилади. Манбада таъкидланишича, қирол ҳатто ал-Риқотийни христианликни қабул қилишини сўраб катта совға-саломлар ҳам юборади. Аммо, ҳаёти давомида фақат ягона Аллоҳга хизмат қилиб келганлигини [7: 987], айтиб олим қирол таклифини рад этади. 1273 йилда олим жанубдаги, ҳануз мусулмонлар қўлида бўлган Гранада амирлиги амири Муҳаммад II (1273–1302) саройига кўчиб ўтади ва умрининг сўнгги қадар шу ерда яшаб қолади.

**4. Хулосалар:**

Мухтасар қилиб айтганда, қирол Альфонсо X томонидан Севилья ва Мурсияда таълим мактабларини ташкил этиш вақтида таржимонларни кўчириб келиниши ҳар икки шаҳарни XIII асрнинг таржима марказлари қаторидан жой олишига сабаб бўлди. Уларда Толедо мактабида бўлгани каби кўп сонли таржималар яратилмаган бўлса-да, икки шаҳар таржимонларининг фаолият натижасида аввалги даврларда Толедо мактабида араб тилидан лотинчага таржима қилинган асарларни, уларнинг лотинча нусхалари асосида кастил тилига ўгириш иши йўлга қўйилди. Ушбу жиҳатлар Севилья ва Мурсия таржимачилигининг XII–XIII асрлардаги бошқа таржима марказларидан ажратиб турувчи ўзига хос фаолият қирраси бўлиб, у минтақавий қамровга эга бўлган лотин таржимашунослиги қаторида XIII асрдан маҳаллий тиллардаги таржимачилик анъаналари шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Умуман олганда, қирол Альфонсо X томонидан Севилья ва Мурсияда ташкил этилган мактаблар замонавий нуқтаи-назар билан айтганда Толедо мактабининг ҳудудий филиаллари эди.

**Иқтибослар / Сноски / References:**

**Манбалар, қўлёзмалар**

1. Crónica General de España. – AAS 12. / Real Monasterio de San Lorenzo de El Escorial. España.
2. La Crónica general e grand Estoria. – Es 13. / Real Monasterio de San Lorenzo de El Escorial. España.

**Нашрлар**

3. Alfonso el Sabio. Antologia de las obras: Cantigas de Santa Maria., Prologo., Cantigas profanas., Las siete partidas., Libros de astronomia., Libros de ajedrez, dados y tablas., Una carta y dos testamentos., Primera cronica general., General e grand estoria., El lapidario. / Prologo, seleccion y glosarios de A.G.Solalinde., / Edición de J.Fraud. – Madrid, 1922.
4. Alfonso X el Sabio. General estoria. Primera parte. Tomo I y II / Edición de P.Sánchez-Prieto. – Madrid: Fundación José Antonio de Castro, 2009. – 1590 p.
5. Alfonso X el Sabio. General estoria. Secunda parte. Tomo I y II / Edición de B.A.Cabrejas. – Madrid: Fundación José Antonio de Castro, 2009. – 1747 p.
6. Alfonso X el Sabio. General estoria. Tercera parte. Tomo I y II / Edición de P.Sánchez-Prieto. – Madrid: Fundación José Antonio de Castro, 2009. – 1376 p.
7. Alfonso X el Sabio. General estoria. Cuarta parte. Tomo I y II / Edición de I.F.Ordóñez y R.Orellana. – Madrid: Fundación José Antonio de Castro, 2009. – 1294 p.
8. Alfonso X el Sabio. General estoria. Quinta y Sexta parte. Tomo I y II / Edición de E.Trujillo, B.Almeida y P.Sánchez-Prieto. – Madrid: Fundación José Antonio de Castro, 2009. – 1238 p.

**Тадқиқотлар**

9. Маҳмудов О.В. Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда Толедо мактабининг ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автреферати. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2018. – 50 б.
10. Маҳмудов О. В. Толедо мактабининг ҳамкор таржимонлари ва уларнинг фаолияти хусусида баъзи маълумотлар // «ЎзМУ хабарлари» илмий журнали. – Тошкент: ЎзМУ, 2017. – № 2. – Б. 50–54.

11. Маҳмудов О.В. Ўрта аср Европа таржима марказлари тизимида жанубий Франция шаҳарларининг ўрни: Марсель ва Монпелье. // «ЎзМУ хабарлари» илмий журнали. – Тошкент: ЎзМУ, 2022. – № 11/1. – Б. 23-27.
12. Маҳмудов О.В. Ўрта аср Европа таржима марказлари тизимида Италия шаҳарларининг ўрни: Неаполь ва Падуя. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2022. – № 11/3. – Б. 45-49.
13. Маҳмудов О.В. Ўрта аср Европа таржима марказлари тизимида Сицилия шаҳарларининг ўрни: Палермо. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2022. – № 12/3. – Б. 60-65.
14. De Maya J.G. De al-Ricotí al rector Sabater: estudios históricos sobre la Universidad de Murcia y sus antecedentes. – Madrid: Dykindon, 2017. – 391 p.
15. Mahmudov O.V. «O‘rta asr Yevropa tarjima markazlari» tushunchasi va uning ilmiy iste’moliga oid. // «FarDU ilmiy xabarlari» ilmiy jurnali. – Farg‘ona: FarDU, 2022. – № 5. – B. 36.
16. Millas-Vallicrosa J.M. El literalismo de los traductores de la corte de Alfonso el Sabio // Al-Andalus. Revista de las Escuelas de Estudios árabes de Madrid y Granada. 1933. – Vol. 1. – P. 155–187.

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Фируза Жуманазаровна Жуманиязова,**
Хоразм Маъмун академияси
Кичик илмий ходими
jumanazarovafiruza8485@gmail.com

# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ АЁЛЛАРИНИНГ ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ РИВОЖИДАГИ ФАОЛИЯТИ (1941–1945 ЙИЛЛАР)

**For citation:** Firuza J. Jumaniyazova, ACTIVITIES OF KHOREZM WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION DURING THE SECOND WORLD WAR (1941-1945yy). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилояти хотин-қизларининг фан ва таълим соҳасидаги меҳнат фаолиятлари тўғрисида маълумот берилади.

Уруш йилларида вилоятда биргина Хоразм ўқитувчилар институти мавжуд эди. Уруш муносабати билан бу таълим даргоҳида ҳар хил қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Эркак ўқитувчиларнинг фронтга сафарбар қилиниши натижасида ўқув курсларига асосан хотин-қизлар жалб қилинди. Бундан ташқари, Хива педагогика билим юртининг ҳам бу даврда аҳамият катта бўлди. Бу таълим муассасасида ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил қилинди, унда таълим олган хотин-қизлар мактабларга ўқитувчи сифатида жалб қилинди.

**Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, Хоразм, фан, таълим, фаолият, ўқитувчи, олий таълим.

---

**Фируза Джуманазаровна Джуманиязова,**
младший научный сотрудник
Хорезмская академия Маъмуна
jumanazarovafiruza8485@gmail.com

# ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХОРЕЗМСКИХ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ (1941-1945гг)

**АННОТАЦИЯ**

В статье представлены сведения о трудовой деятельности женщин Хорезмской области в сфере науки и образования в годы Второй мировой войны.

Во время войны в области был только один Хорезмский учительский институт. В связи с войной в этом учебном заведении были организованы различные краткосрочные курсы. В результате мобилизации учителей-мужчин на фронт к обучению привлекались в основном

женщины. Кроме того, большое значение в этот период приобрел Хивинский педагогический университет. В этом учебном заведении были организованы краткосрочные курсы подготовки учителей, а получившие образование женщины набирались учителями в школы.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, Хорезм, наука, образование, деятельность, педагог, высшее образование.

---

**Firuza J. Jumaniyazova,**
junior researcher
Khorezm Academy of Mamun
jumanazarovafiruza8485@gmail.com

## ACTIVITIES OF KHOREZM WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION DURING THE SECOND WORLD WAR (1941-1945yy)

**ANNOTATION**

The article presents information about the labor activity of women in the Khorezm region in the field of science and education during the Second World War.

During the war, there was only one Khorezm teacher's institute in the region. In connection with the war, various short courses were organized in this educational institution. As a result of the mobilization of male teachers to the front, it was mainly women who were involved in training. In addition, the Khiva Pedagogical University acquired great importance during this period. Short-term teacher training courses were organized in this educational institution, and educated women were recruited as teachers in schools.

**Key words:** World War II, Khorezm, science, education, activity, teacher, higher education.

---

**1. Долзарблиги:**

Дунё аҳолисининг тўртдан уч қисми қатнашган Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабага СССР таркибида бўлган Ўзбекистон халқи жумладан хоразмликлар ҳам катта ҳисса қўшишди. Бу ўзбекистонликларнинг жанговар ҳаракатларда иштирок этиши билан бирга Ўзбекистон фронтни таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш базасига айлантирилиши, фронт олди ҳудудларидан эвакуатция қилинган одамларга, хусусан болаларга, ишлаб чиқариш, фан ва маданият ходимлари ва бошқаларга ғамхўрлик кўрсатиши кабиларда намоён бўлди. Айни дамда оддий халқ уруш шароити қийинчиликларига нисбатан матонат ва ирода намунасини кўрсатди. Барча нарса мамлакат мудофааси учун курашга сафарбар этилиши натижасида фан ва таълим тизимида катта ўзгаришлар бўлди. Уруш йилларида халқ таълими, айниқса олий ўқув юртлари оғир синовдан ўтди. Уларнинг кўпчилик профессор-ўқитувчилири, ҳарбий чақирув ёшидаги йигит-қизлар фронтга сафарбар этилди[1]. Фронтга кетган ўқитувчиларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўқув юртлари ташкил қилинди. Бу даварда Хоразм вилоятида ягона олий таълим муассасаси бу Урганч шаҳридаги Хоразм ўқитувчилар институти эди. Бу таълим даргоҳи 1935 йилнинг 9-ноябрида ташкил қилиниб, 1942 йилнинг 1-сентябридан Хоразм давлат педагогика институти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу таълим муассасаси Хоразм мактаблари учун ўқитувчи қадрлар тайёрлаб берар эди. Уруш муносабати билан Хоразм давлат ўқитувчилар институти ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Уруш бошланиши билан институтда митинглар бўлиб ўтди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ бир гуруҳ ўқитувчилар, талабалар ва ишчи хизматчилар ҳамма қатори ўзларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларини бажариш учун фронтга жўнадилар.

**2.Методлар:**

Уруш давридаги вилоят хотин-қизларининг фан ва таълим соҳасидаги жасоратларини ёритишда статистик усуллардан ва тарихий-қиёсий методдан фойдаланилди.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Хоразмдаги олий таълим муассасасида дастлаб тўлиқсиз олий маълумотли ўқитувчилар тайёрланган бўлиб, унда иккита яъни Физика-математика ҳамда Ўзбек тили ва адабиёти факультетлари бўлиб, уларда 64 талаба таълим олди, 10 дан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатди. 1942 йилда уруш муносабати билан институтнинг иш услуби, ўқув дастури, таълим-тарбиявий ишларида жиддий ўзгаришлар юз берди. 1942 йилнинг 1-сентябрида педагогика институтининг тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ҳамда физика-математика факультетларида ўқишлар бошлаб юборилди[2]. Уларга юзга яқин талабалар қабул қилинди. Институтда янги кафедралар очилди. Физика-математика, химия машғулотларида ҳарбий стратегия ва ҳарбий техникага алоқадор бўлган мавзулар кенгайтирилди. Тарих, ўзбек тили, рус адабиёти фанларида эса ёшларни ватанпарварлик ва жанговарлик руҳида тарбиялашга эътибор кучайтирилди. Янги ташкил этилган ҳарбий таълим кафедраси талабаларни бошланғич ҳарбий таёргарликдан ўтказишдек муҳим вазифани амалга оширди. 1941-1942 ўқув йилида институтни 20 киши битириб чиқди[3, б-4]. Институт ўзининг 7 йиллик тарихида 300 га яқин ўқитувчиларни-физиклар, адабиётчилар ва тилчиларни етиштириб чиқарди. 1942-1943 ўқув йилида институтга 125 киши, тил-адабиёт, физика-математика ва рус тили ва адабиёти бўлимларига талабалар қабул қилиши белгиланди. Шу ўқув йилида Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлиги бу йил тиббиёт-география ва тарих бўлимларини очишга ҳам ижозат берди[4, б-2].

Маълумки, уруш йилларида вилоят мактабларида муаллимлар сони жуда камайиб қолган эди. Ўша даврда институт жамоаси олдида яна бир масъулиятли вазифа пайдо бўлди. Тезкор ва қисқа муддатли курслар очиб, мактабга кўплаб ўқитувчи кадрлар тайёрлаб бериш зарур бўлиб қолди. Шуни ҳисобга олиб, 1942-1944 йилларда институт қошида тарих-география ва физика-математика фанларидан ўқитувчилар тайёрловчи бир йиллик ўқув курслари иш олиб борди.

Уруш йилларида институтда шароитнинг барча қийинчиликларига қарамай, талабаларга фан асосларини ўргатишда, уларни тарбиялашда хотин-қиз ўқитувчилардан Ф.Исхоқова, Р.Болтачева, Ф.Садриддинова, Ф.Раҳимбоева кабиларнинг хизматлари катта бўлди[5,б-89].

Шу даврда фан ўқитувчиларини тайёрлашда Хоразм ўқитувчилар институтининг ўрни жуда катта бўлган. 1941 йилнинг иккинчи ярмида Хоразм ўқитувчилар институтида фронтга ҳамшираларни тайёрлаш курсини 20 нафар талаба аъло баҳоларга тугатганлиги, яна 40 нафар талаба ҳамшираликка ўқитилаётганлиги архив ҳужжатларида келтириб ўтилган[6,б-2]. 1944 йилда тўлиқсиз олий маълумот берувчи икки йиллик ўқитувчилар институти билан бир қаторда олий маълумот берувчи тўрт йиллик педагогика институти ҳам очилди. 1944-1945 ўқув йилида вилоятда 2186 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатди. Уларнинг 55 нафари олий, 292 нафари тўлиқсиз олий маълумотга эга эди. Бу рақамлар орқали биз хотин-қизлардан ўқитувчилар сони кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, 1942-1943 ўқув йилида республикада ўқитувчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар республикадаги ўқитувчиларининг 46,8 фоизини ташкил этган бўлса, 1944-1945 ўқув йилида бу кўрсаткич 94,3 фоизга етганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1941 йил 9-ноябрдаги қарорига биноан Урганч ва Хива шаҳарларида 9-10-синфларнинг иқтидорли ўқувчиларидан педагогик кадрлар тайёрловчи синфлар ташкил қилинди. Хива педагогика билим юрти шулардан бири эди. Хива педагогика билим юртида ҳам бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш қисқа муддатли курслари ташкил қилинди[7, б-175]. Бундан ташқари, Хива педагогика билим юрти ва Хоразм ўқитувчилар институтида 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли педагоглар тайёрлаш курсларига асос солинди. Педагогика ўқув юртларида ўқиган қизлар сони кундан-кунга ортиб борди.

Мактабларда ўқитувчилик қилаётган хотин-қизлар тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришди. Янгиариқ туманидаги ўқитувчилар мактаб ўқувчиларини ўқув машғулотларидан кейинги бўш вақтларида дала ишларига жалб этиб, фидокорона меҳнат қилишга ундадилар. 1941 йилги архив маълумотларида, мактаб ўқувчиларидан Уллижон Раҳимова, Қурбонжон Собировалар дала ишларида намунали ишлаб, кунига уч нормадан

бажарганликлари ҳамда улар колхоздан олган меҳнат ҳақларини Ўзбекистон комсомоли номидаги танк бўлинмасини қуришга берганликлари ёзиб қолдирилган[8,б-4].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида хотин-қизлардан Ҳадича Бекчурина, Г.Бекчурина, Саодат Салимова, О.Юсуповалар ёшларга таълим тарбия бериб фаолият кўрсатдилар. Улардан айримларининг ҳаёт ва фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Саодат Салимова суронли йилларда хоразмлик ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи ўқитувчидир. Олдин ўқитувчи бўлиб ишлаган С.Саломова айни уруш йилларида Хива тумани маъорифи бўлимига мудир қилиб тайинланди. Уни қилган меҳнатлари қадрланиб уруш тугагандан кейин “Халқ маъорифи аълочиси” кўкрак нишони, ҳукуматимизнинг бир қанча орден, медаллари ва фаҳрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Саодат Салимова 39 йил мобайнида бир соҳада узликсиз ишлаган таълим соҳасининг жонкуярларидан бири эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Хива шаҳридаги саводсизликни тугатишнинг фаол иштирокчиси Ойимжон Юсупова Хива шаҳридаги педагогика билим юртининг кечки бўлимини 1936 йил аъло баҳолар билан битказди. Шу йили Ойимжон Юсупова Хивадаги Полвон Қори мадрасасида жойлашган “8 март” номидаги мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ берди. Ойимжон Юсупова С.Салимова, Д.Каримова, М.Отажонова каби маърифатчи аёллар билан биргаликда Хивада ва Хоразмнинг чекка қишлоқларида саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. 1941-1945 йилларда Ойимжон Юсупова Қўшкўпир туманидаги “Кўктом” қишлоғида ўқитувчилик қилди. 1945 йилда Хивага келиб, шаҳардаги Ворошилов (ҳозирги Аваз Ўтар) номли мактабда ишлаб, Хоразм Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимида маълумотини оширди. 1958 йилда Ойимжон Юсупова катта меҳнатлари ва халқ таълимини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланган.

Ойимжон Юсупова етук маҳорат эгаси бўлиб ёшларга шундай таълим берганки, унинг кўпчилик ўқувчилари ҳали бугунги кунларимизгача устозини номини фахр билан тилга олишиб бизни саводимизни “Ойимжон муаллим чиқарган” деб айтишади.

**4.Хулосалар:**

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, уруш даврининг муҳтожликлари, етишмовчиликлари ва йўқотишларига қарамасдан таълим ходимлари ҳам мардонавор меҳнат қилиб фашизм устидан қозонилган ғалабанинг пойдеворини барпо қилдилар. Хоразм давлат педагогика институти ҳамда Хива педагогика билим юрти жамоаси 1941-1945 йиллар мобайнида вилоят халқ маорифига жами 400 га яқин малакали ўқитувчилар тайёрлаб берди. Ушбу билим масканларида таҳсил олган ёш йигит-қизлар келажакда элимизга муносиб фарзандлар тайёрлаб, етказиб берадиган устоз мураббий бўлиб етишдилар. Вақт ўтиб боргани сари Иккинчи жаҳон уруши йилларида чинакам инсонийлик намунасини кўрсатган юртдошларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси қадри ортиб бораверади. Халқимиз уларнинг тинчлик йўлидаги буюк жасоратини асло унутмайди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. http://dkm.gov.uz/ru/buyuk-galabaning-75-yilligiga-3-toshkent-front-orqasidagi-karamon-saar.( http://dkm.gov.uz/ru/buyuk-galabaning-75-yilligiga-3-tashkent-front-arkasidi-karamon-saar.)
2. http://urdu/site/about.( http://urdu/site/about.)
3. Хоразм ҳақиқати 1 август 1943 йил №154 (4464), б-4. (The truth of Khorezm, August 1, 1943 #154 (4464), p-4.)
4. Хоразм хақиқати 31 май 1942 йил № 124 (4132), б-2. (The Truth of Khorezm, May 31, 1942, No. 124 (4132), p-2.)
5. Хоразм вилояти давлат архиви. Ф-1,оп-123,д-19. Б-89. (State archive of Khorezm region. F-1, op-123, d-19. B-89.)

6. Хоразм вилояти давлат архиви. Хоразм ҳақиқати газетаси.1941 йил 24-декабрь, №305. Б-2. (State archive of Khorezm region. Khorezm Haqikat newspaper. December 24, 1941, No. 305. B-2.)
7. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси.-Т.: ҚБТ, 1997. Б 175. (Encyclopedia of the Republic of Uzbekistan.-T.: QBT, 1997. B 175.)
8. Хоразм вилояти Давлат архиви. Хоразм ҳақиқати. 1941 йил 9-декабрь.№292. Б-4.( Khorezm Region State Archive. The truth of Khorezm. December 9, 1941. No. 292. B-4.)

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Darmon Kuryazova,**
Kamoliddin Behzod nomidagi
Milliy rassomlik va dizayn instituti
Muzeyshunoslik kafedrasi professori
tarix fanlari doktori

# MINIATURA SAN'ATI TARIXIDAN

**For citation:** D.T. Kuryazova, FROM HISTORY OF MINIATURE ART. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**ANNOTATSIYA**

Ushbu maqolada XIII-XVII asrlardagi miniatyuralarning qisqacha tarixi va evolyutsiyasi ko'rib chiqiladi. Turli asrlardagi miniatyura asarlarini qiyosiy tahlil qilish va tavsiflashga alohida e’tibor qaratilgan. Shuningdek, turli viloyat ustalari tomonidan yaratilgan miniatyura asarlarining ijro uslubi va uslubi o‘rganiladi.

**Kalit so’zlar:** miniatyura, tarix, davr, tasviriy san'at, O'rta Osiyo, kitob miniatyurasi, qo'lyozma, kompozitsiya, ritm, rang, usta.

---

**Darmon Kuryazova,**
доктор исторических наук, профессор кафедры музееведения,
Национальный институт художеств и дизайна
им.Камолиддина Беҳзода

# ИЗ ИСТОРИИ МИНИАТЮРНОГО ИСКУССТВА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматривается краткая история и эволюция миниатюры в XIII-XVII веках. Особое внимание уделено сравнительному анализу и описанию миниатюрных произведений разных веков. Также будет изучена техника исполнения и стиль миниатюрных работ, выполненных мастерами разных регионов.

**Ключевые слова:** миниатюра, история, эпоха, изобразительное искусство, Средняя Азия, книжная миниатюра, рукопись, композиция, ритм, цвет, мастер.

---

**Darmon T. Kuryazova**
Doctor of History, Professor
Department of museum studies
National Institute of Fine Arts and Design
named after Kamoliddin Bekhzod

## FROM HISTORY OF MINIATURE ART

**ABSTRACT**

This article examines the brief history and evolution of miniatures in the XIII-XVII centuries. Particular attention is paid to the comparative analysis and description of miniature works of different centuries. Also, the execution method and style of the miniature works made by the masters of different regions will be studied.

**Index Terms:** miniature, history, era, visual arts, Central Asia, book miniature, manuscript, composition, rhythm, color, master.

---

**Introduction:**

The tradition of miniature art continues today. Therefore, studying the history and traditions of its origin is considered one of the important issues. Because the development evolution of the miniature has its own uniqueness, and it helps to improve the skills of modern miniature painters. This wonderful art is being made available through effective scientific researches of famous art historians and scientists. N. Norkulov, I. Nizomiddinov, Z. Rahimova, G. Pugachenkova, F. Martin, B. Denike, O. Galerkina, M. Ashrafiy studied this art form. In the course of their scientific research, they clarified the evolution and development of the centers of miniature art, defined the scope of the works of some miniature artists, and noted that the miniatures of several countries, such as Iran and India, were related to each other and had connections.

**Research results:**

Fine art has been developing on earth, especially in the countries of Central Asia since ancient times. An example of this is the rock (Zarautsoy, Sarmishsoy, Bildirsoy), wall (images in Afrosiyob, Varakhsha, Panjikent monuments) and various objects and images drawn on books that have come down to us. The above points prove that mankind has always had a desire to depict the environment and beauty since its inception.

With the introduction of Islam, large-scale murals of living creatures were replaced by compositions of plant-like and geometric patterns. The authors did not depict human and animal figures, but carried out their art in the form of tazhib (embroidering, decorating with gold or silver color). The history of the creation and development of miniature works is a very complex process, and it has been created in different ways in different countries [1. – P. 32].

Miniature, as a unique art of painting in the countries of the Near and Middle East, is inextricably linked with the development of medieval literature. Miniatures of these countries have traveled a long and difficult path during their evolution. That is, in the XII-XIII centuries, simpler, limited forms were used, and by the XV-XVII centuries, a perfect pictorial tradition of miniature styles emerged [2. – P. 918].

Miniature, book art developed at a high level in the period from the XIII century to the XVII century in the countries of the Middle and Middle East: Afghanistan, Egypt, Iraq, Iran, Syria, Turkey, Central Asia and the northern part of India during the Mongol rule, and in some countries this process continued until the XIX century. Each of these centers followed its own path of development, while at the same time they had a certain affinity to the artistic language and themes based on the general type of Arabic writing, literature, classical poetry, aesthetic ideas and moral standards for that period [3. – P. 1].

The peculiarity of the oriental miniature is that the events depicted in it are reflected in the environment and conditions in which the artist lives and creates, regardless of which historical period they belong to. Although this is a portrait of the legendary great Shah Jamshid, Alexander the Great, or Genghis Khan, their costumes, architecture, and household details correspond to the time and place of the creation of the miniatures. It always helps researchers to identify the country of origin of the miniature itself, to know the various realities of the respective time and place [4. – P. 12].

Written sources testify to the high level of development of fine art in Central Asia at the end of the XIV century and the first half of the XV century. Its development took place in two currents - the magnate and the miniature image. The first was related to the external and internal decoration of architectural monuments, the plane of the wall, and the second was related to book art, the artistic

decoration of the manuscript, the surface of the page.

According to some scholars, in the XV century Central Asian artists could have a realistic idea of European visual arts through trade and diplomatic relations. However, the works created in the West did not have any influence on the local visual arts. Central Asian painters had deeper knowledge of Chinese visual arts. However, it should be noted that the analysis of miniatures of the end of the XIV and XV centuries did not show the decisive influence of the Chinese artistic style on the local painting, which developed its own technique, style, artistic and figurative worldview.

A combination of reality, fiction and symbolism can be seen in the miniatures of the countries mentioned above. Its images are solemn, full of joy and charm of life. The elegance of the miniature is in the saturation of colorful and bright colors, in the expressiveness of the movements of the figures, in the simplicity and clarity of the image of the landscape and architectural structures. The art of book miniatures is conventional and attractive in its decoration. It mainly shows two-dimensional compositions, and does not use artistic tools such as light and shadow games, perspective.

Although the styles and canons of creating miniature works are the same, the images created in different historical periods were fundamentally different from each other in terms of compositional solutions, color balance and proportions, and artistic tools used to convey the content of the work.

Miniatures in manuscripts strictly obey the classical canon, which has been formed over the centuries, the main elements of which have been preserved almost until the XX century. Its main task is to show the inner, hidden meaning of things, so basically the image is deprived of a clear connection with the text and reproduces some alternative reality [5. – P. 2]. As an example of the above ideas, it is possible to analyze the miniatures created in several centuries.

For example, if we analyze the image of the novel “Varka and Gulshah” written in the Ayyuki manuscript from the miniatures of the X-XIII centuries before the Mongols, the work is distinguished by its bright composition and strictly symmetrical construction (Fig. 1).



**Figure 1. Battle of Varka and Rob’i.**

The landscape has only a decorative function, the artist did not try to draw it in detail. The fact that the images of some miniatures are placed on the same decorative surface and on a colored background shows that it was influenced by the majestic painting. As in all miniatures, the color scheme in the work is symbolic, with light, bright colors representing positive characters and heroes, and dark colors representing negative ones.

The achievements and traditions of this period disappeared by the time of the Mongols in the XIII-XIV centuries. The Mongol conquest left a huge mark on all subsequent developments of Muslim art. The creation of a single cultural space from China to Syria allowed the free circulation of various influences. In addition, the new rulers, who often became pagans, were characterized by greater religious tolerance and breadth of views [5. – P. 4].

During this period, the classic style of Islamic miniatures was formed. Its main center was

Tabriz, the capital of the Mongol Ilkhanid dynasty. According to the sources, the Mongols brought Chinese artists with them. For this reason, there are assumptions that traditional attributes of Chinese art, such as flowers, dragons, various birds, stylized clouds, specific elements of clothing, began to appear in the miniatures.

The analysis of the manuscript "Jamiy al-Tawarikh" and the work "Gazan-Khan on horseback" made at the beginning of the XIV century shows that the works of artists of this period are two-dimensional, and although the games of light and shadow are not reflected, figures, objects and colors are placed rhythmically in their perfect compositions. In the thumbnail below, to maintain the balance between the white and black horses, Gazan-Khan is shown in black clothes. The white flowers on the tree are in proportion to the color of the white horse, and to maintain the overall balance of the work, a figure of a man and a horse is drawn to the left and a tree to the right. Plants are also arranged rhythmically (Fig. 2). So, it is impossible to come to the opinion that the artists of this period skillfully used the artistic means of painting.



**Figure 2. Gazan Khan on horseback. A miniature made in the early XIV century "Jamiy al-Tawarikh" manuscript**

Many miniatures of the Tabriz school depict everyday scenes, scenes from court life, as well as plots of characters from the poetic works of the classics of Persian literature.

The works created in this period are distinguished by bright, light color strokes of the composition, softer colors, and attempts to create a spatial illusion. An example of this is the miniature taken from the book "Shah-nama" by the Persian poet Firdausi (1330-1340 years), which is kept in the Metropolitan Museum of Art. The image of Isfandiyar's funeral displays a melancholy characteristic of Persian art. In the technique brought to Central Asia by the Mongols, space and spatial depth are achieved by placing a large number of figures on top of each other.

According to written sources, Amir Temur paved the way for the development of book miniature art. Masters and artists brought from foreign countries worked in his kingdom. The workshop was led by an artist from Baghdad, Abdulhai. In particular, the miniature paintings of the Timur period can be evaluated through the works of Junayd Sultani, who studied the secrets of art together with Abdulkhay, in the hands of the Baghdad miniaturist Shamsiddin. During this period, miniature painting was perfected. After the reign of Amir Temur, like all art forms, miniature painting continued during the reign of Mirzo Ulugbek. The reign of Ulugbek (1409-1449) in Mowarounnahr is marked in history by the further development of cultural life and the flourishing of art and literature.

By the XV century, some changes occur in miniature images. The image of this period is often characterized by multi-figure, complex composition, elegant images, careful and accurate drawing of

landscape and symbols, richness of colors and shades. It is worth noting that the charm of miniature images is due to the abundance of small, carefully drawn details that amaze with its elegance, fine lines, craftsmanship, pure geometry and bright palette. It is in miniature art that national identity begins to gain full expression.

In the XVI century, during the Shaibani period, miniature art developed in Bukhara, Samarkand and Shahrukhia. Because in 1507, Shaibani Khan also brought the masters from Khirat to Samarkand, and art flourished again [6. – P. 2.]. Bukhara was the most developed center of miniature art during this period. At first, artists from Khyrot worked here. But later masters develop their own style and create amazing unique works. One of the famous artists of the Bukhara school was Mahmud Muzaxhib, Muhammad Murad Samarkandi and Abdullah.

The miniature work of Muhammed Murad Samarkandi, based on the "Shah-nama" manuscript, is distinguished from others by the fact that it has a moderate background, a perfect compositional solution, the choice of color spots in proportion to each other, the number of figures and their rhythmic location, and the strength of the dynamics of movement (Fig. 3).



**Figure 3. Muhammed Murad Samarkandi. Battle. A miniature of the "Shah-nama" manuscript. 1556 year.**

In the XVII century, the Bukhara school maintained its leading position. During this period, his style varied and showed the influence of other modern oriental miniature schools. In the second half of the XVII century, Muhammad Muqim, Muhammad Nadir and others created works in Bukhara.



**Figure 4. Makhan in the enchanted garden, Nizami "Hamsa" Bukhara. 1648 year.**

A strong figure in this miniature, a well-coordinated figure with dense colors in saturated tones, is placed in the lap of nature. All images and colors in the work are symmetrical and harmonious. The composition gives the miniatures a certain magnificence even with the pure genre basis of the selected subjects (Fig. 4).

**Conclusion:**

In conclusion, the study of the history and evolution of Central Asian miniature painting in the XIII-XVII centuries has convinced us that this region was a period characterized by great achievements in various fields of artistic creation, and that it is not a part of the Near Eastern miniature art, but is bright and unique.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Norkulov N., Nizamiddinov I. Sketches from miniature history.- Tashkent, G'.Ghulam, 1970. - B. 32.
2. Naumov, S. T. The art of miniatures from the Middle Ages to the present day // Young scientist. — 2014. — № 2 (61). — P. 918. — URL: https://moluch.ru/archive/61/9183 / (accessed: 09/10/2022).
3. Miniature: art with a long history. https ://www.unesco.org/ru /articles /miniatyura-iskusstvo-s-mnogovekovoy-istoriey (accessed: 11.09.2022).
4. Pugachenkova G. A. Central Asian miniatures (XVI—XVIII centuries in selected samples). Tashkent: The main edition of encyclopedias, b/g – S. 12. https://greylib.align.ru/1081/pugachenkova-g-a-sredneaziatskie-miniatyury-xvi-xviii-vekov-v-izbrannyx-obrazcax.html (date of reference: 28.08.2022).
5. The main schools of Islamic book painting. https://arzamas.academy/materials /1628 (date of reference: 12.08.2022).
6. Persian painting. https://ru.wikipedia.org/wiki / (accessed: 09/14/2022).

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

**Рухиддин Патхиддинов,**
Наманган Давлат университети
таянч докторанти,
ruxiddinpatxiddinov@gmail.com

# XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА МИСТИК ТАБОБАТ АНЪАНАЛАРИ

**For citation:** Ruxiddin Patxiddinov, TRADITIONS OF MYSTICAL MEDICINE IN THE FERGANA REGION AT THE END OF THE XIX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 4, pp.

**http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000**

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида анъанавий табобатнинг асосий йўналишларидан бири бўлган мистик табобат анъаналари таҳлил қилинган. Мистик табобат анъаналарининг беморга фойдаси илмий исботланмаган бўлса-да, ҳозирда ҳам сақланиб қолмоқда. Халқ орасида фолбин, бахши, парихон, дуохон, азайимхон, туфчи, азизий, эмчи, илгир, аласчи ва бошқа номлар билан турли касалликларни “даволайдиган мутахассислар” аҳоли саломатлигига зарар етказишган. Фарғона водийсида 5000 га яқин мозорлар бўлиб, улардан бир қанчаси турли касалликларни даволаш учун “ихтисослашган”.

**Калит сўзлар:** мистик табобат, фолбин, бахши, парихон, шомон, дуохон, азайимхон, руҳлар

---

**Рухиддин Патхиддинов**,
докторант Наманганского государственного университета,
ruxiddinpatxiddinov@gmail.com

# ТРАДИЦИИ МИСТИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются традиции мистической медицины, которая была одним из основных направлений народной медицины Ферганской области в конце XIX - начале XX века. Хотя польза мистической медицины для пациента научно не доказана, она существует и сегодня. В народе вред здоровью населения наносили «специалисты, лечащие разные болезни» с именами гадалка, бахши, парихан, дуахан, азаимхан, туфчи, азизи, емчи, илгир, алащи и другими именами. В Ферганской долине насчитывается около 5000 могил, некоторые из которых «специализированы» для лечения различных заболеваний.

**Ключевые слова:** мистическая медицина, прорицатель, гадалка, парихан, шаман, дуахан, азаимхан, духи.

---

**Ruxiddin Patxiddinov,**
Basic doctoral student of
Namangan state university

## TRADITIONS OF MYSTICAL MEDICINE IN THE FERGANA REGION AT THE END OF THE XIX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

**ABSTRACT**

The article analyzes the traditions of mystical medicine, which was one of the main directions of traditional medicine in the Fergana region in the late 19th - early 20th centuries. Although the benefits of mystical medicine for the patient have not been scientifically proven, they still exist today. Among the people, "specialists who treat various diseases" with the names fortune teller, bakhshi, parikhan, duakhan, azaimkhan, tufchi, azizi, emchi, ilgir, alaschi and other names harmed the health of the population. There are about 5,000 tombs in the Fergana Valley, some of which are "specialized" for the treatment of various diseases.

**Index Terms:** mystical medicine, diviner, fortune teller, parikhan, shaman, duakhan, azaimkhan, spirits.

---

**1. Долзарблиги:**

Соғлиқни сақлаш жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда дунёда Covid-19 пандемияси тарқалган шароитда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлиқни сақлаш тарихини тадқиқ этиш орқали аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини янада тўлароқ ўрганиш мумкин. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси, хусусан Фарғона водийси Россия империяси мустамлакасига айлантирилди. Рус мустамлакачиларига билан биргаликда ўлкага замонавий биотиббиёт ҳам кириб келди. Аммо маҳаллий аҳолига тиббий хизмат асосан, анъанавий табобат вакиллари томонидан кўрсатилди. Ўзбек халқ табобатини уч йўналишга: эмпирик, диний ва мистик табобатга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. XIX аср охири – XX аср бошларида аҳоли орасида турли касалликларни, айниқса оғир беморларни даволаш ва оғир туғруқ пайтида турли мистик урф-одатларни бажариш, турли муқаддам жойларни зиёрат қилиш кенг тарқалган эди.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, илмийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкада фаолият юритган рус шифокорлари В.Кушелевский, А.Шишов, Г.Колосов ва бошқа тадқиқотчилар маҳаллий аҳолининг анъанавий табобати тўғрисида кўплаб маълумотлар қолдиришган. Мустақиллик йилларида С.Шодмонова, Х.Жуманазаровлар соғлиқни сақлаш тарихи, ўзбек халқ анъанавий табобати тўғрисида изланишлар олиб боришмоқда. Ўзбек халқ табобати тўғрисида Россиялик тарихчи В.Огудиннинг тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовор.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Марказий Осиёда мистик табобатнинг келиб чиқиши 3 босқичда амалга ошган. Биринчи босқич милоддан аввалги V мингйилликда шаманлар, фолбин ва бахшилар пайдо бўлган. Иккинчи босқич ўлкада зардуштийликнинг кенг тарқалиши билан “Авесто” руҳлари “дев”, “пари” асосида шомонлар парихон, девона номларини олган. Учинчи босқичда ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши билан “жин” тушунчаси кириб келди[1]. Фолбинлар, парихон ва бахшилар ўз фаолиятларини ислом дини ақидалари билан уйғунлаштирган ҳолда давом эттиришди. Ислом динининг тақиқлашига қарамай, аҳоли орасида зардуштийлик, шомонлик динларига тегишли баъзи урф-одатлар, хусусан бир қатор даволаш усуллари

сақланиб қолган. Шомон анъаналарининг энг аниқ кўриниши халқ эътиқодида ёвуз рухлар ҳийлалари туфайли келиб чиқадиган касалликларни даволайдиган “мутахассисларда” намоён бўлди. Бундай “мутахассислар” Ўрта Осиёнинг барча халқлари орасида маълум бўлган (парихон, бахши, фолбин).Улар ёвуз руҳларни қувиш учун бошқа руҳлар устидан ҳукмронлик қилади деб ҳисобланган[2]. XIX–XX асрларда Фарғона водийси шомонлари ўз фаолиятларини гоҳ яширинча, гоҳ ошкора равишда олиб борганлар. Бунга жамиятдаги ислом динининг мавқеи ва қадимий диний эътиқодларга нисбатан олиб борилган сиёсат сабаб бўлган. Кўпгина шомонлар баъзи бир касалларни даволаш учун муллалар ҳузурига юборганлар, муллалар эса ўз навбатида айрим беморларга бахшилар ҳузурига боришни маслаҳат берганлар[3]. Бахшилар кўчманчи қабилаларда ҳам табиб, ҳам рухлар билан алоқадор ва улар устидан хукмронлик қиладиган шахс сифатида кўрилган. XX асрга келиб бахшиларнинг таъсири анча камайган бўлсада, уларни доимо оғир касалларни тепасида табиб сифатида ва тўй маросимларда ёшлар келажагини башорат қилувчи сеҳргар сифатида учратиш мумкин эди. Иккала ҳолатда ҳам бахшилар рухлар ёрдамига мурожаат қилиб, қўбиз ёрдамида уларни чақиришга уринган. Бахшилар уддабуронлик билан бир нечта фокусларни амалга оширишган. Масалан, қўбизнинг камонини қовурғалари орасидан ўтказган, қорнига пичоқ тиққан, игна ютган ва б. Бу фокусларни одамларни ишонтириш мақсадида амалга оширишган[4].

Мистик даволовчилар орасида фолбин, бахши, парихонлар билан бир қаторда дуохон, азайимхонларни келтириш мумкин. Азайимхон сўзи арабча “азиймат” сўзидан олинган бўлиб, “қасам ичиш” деган маънони англатади. Унда азайимхон маълум исмлар билан қасам ичиб, жин текканлардан шифо сўрайди[5]. Дуохонлар беморларни Қуръони Каримдан эмас, алоҳида ўзларига тегишли китоблардан ўқиб “даволашган”. Мазкур китоблар турли китобларнинг қисмларидан ташкил топган ва аксарият ҳолларда кабалистик[6] тузилишган эга бўлган. Шаҳарларда дуохонларнинг асосий мижозларини аёллар ташкил этган[7]. Дуохонлар ҳақида Н.Ликошиннинг хотиралари аҳамиятга молик. Н.Ликошин дуохон Рахматулладан кўз касаллигидан даволашни сўрайди. Рахматулла аввал “илми рамл”дан[8] фойдаланиб беморга фол очади. Сўнг бир соат давомида Қуръони Каримдан оятлар ўқиб беморнинг кўзига пуфлайди. Шунингдек, Ликошин “Матла ул-улум” асаридан фол очишга бағишланган иккита бобини рус тилига таржима қилган. “Матла ул-улум” китобининг 31-боби “илми рамл”га бағишланган бўлиб, бобга кириш қисмида фол очиш астрологияга ўхшаш илм экани, мусулмонларга фол очишга эътибор қаратмасликлари ва ишонмасликлари таъкидлаб ўтилган[9].

Халқ орасида бир қатор оғир касалликлар, оғир туғруқ ва ақлдан озган беморларни даволашда турли мистик урф-одатлар бажарилган. Масалан, кўкйўталдан даволашда қуйидаги амаллар бажарилган: 1) ерга 5 та кўк қўғирчоқ кўмиш 2) беморга бир кўккарға патларидан қадаш 3) мозор яқинидаги дарахтга кўк латта боғлаш 4) беморга кўк рангга бўялган тухум едириш 5) кўк от минган кўк тўнли биринчи учраган йўловчидан кўкйўталга қарши нима даъво бўлишини сўраш ва у нима деса бажариш[10]. Ислом дини ақидаларига зидлиги туфайли мистик урф-одатларга қарши хонлар, беклар ва диний уламолар томонидан қарши курашилган бўлсада, бундай урф-одфтларни бутунлай тугатишга эришилмаган. Ушбу урф-одатларнинг асосий сақловчиси аёллар бўлиб ҳисобланган. Шундай урф-одатлардан бири “сафар қочти” бўлиб, сафар ойининг охирида итни ўлдириб, кечаси олов ёқиб, оловнинг устидан сакраб “олис, олис, балолардан холис” дея бақиришган. Бу одат одамларни турли офат ва касалликлардан ҳимоя қилади деб ишонилган ва анча кенг тарқалган. Айниқса, Хўжанд, Самарқанд, Тошкент ва Бухорода тез-тез учраб турган. Олов устидан сакраш қўрқиш туфайли асаб тизимига зарар етган беморларга ҳам тавсия этилган. Агар чақалоқ тинмай йиғласа “қўрқоқ” номли урф-одат амалга оширилган. Унга кўра, чақалоқ бешиги атрофига пахта қўйиб уни ёқилган. Кўплаб касалликларни даволашда таёққа осилган латтани ёқиб беморнинг боши устида 3 марта айлантиришган. Сўнг, беморнинг ўзи ҳам латтани боши устида 3 марта айлантириб, ташлаб юборган. Маҳаллий аҳолининг ҳаётида пахтага ўралган ва мойга ботирилган парчалар алоҳида рол ўйнаган. Тожикларда бу “нукча”, ўзбекларда “уч” деб аталган. Нукча жинлардан сақловчи ва жинлар, руҳлар туфайли келиб чиқадиган

касалликларни даволовчи восита ҳисобланган. Нукча фолбинлар фаолиятида кўп қўлланган. Оғир ва узоқ давом этган касалликларда беморни “жин чалган” деб ҳисоблаб, унга “унбори” одатини бажаришни буюришган. Унбори деб ариқ устидан ўтган кўприк яқинида девор бор жойга нисбатан айтилган. Бундай жойлар жинларни ҳайдаш учун жуда қулай деб ҳисобланган. Бемор бу жойда тунни ўтказиши керак бўлган. Унинг ёстиғига 3-4 та нукча ташлаб қўйилган. Шунингдек, беморнинг қўли остига қизил хўроз, баъзида эса қора мушук қўйилган. Қилинган амалларга қарамай, бемор вафот этган тақдирда, фолбинлар бемор руҳини жинлар билан бўлишди дея даъво қилганлар. Нукчани шунингдек, пайшанбадан жумага ўтар кечаси яқинларининг қабри устида ва уйида руҳларни чақириш мақсадида ёқишган. Маҳаллий аҳоли орасида дарахтларга ҳам алоҳида хурмат сақланган. Мозорлар олдида шохларига латта боғланган дарахтларни кўриш мумкин эди. Дарахтга латтани одатда турли касалликлардан шифо истаган аёллар томонидан боғланган. Ушбу одат Тибет, Қозон татарлари ва чувашлар орасида ҳам кузатилган. Одатда мозорлар олдидаги дарахт кесиш гуноҳ деб ҳисоблашгани туфайли, деярли барча мозорлар олдида катта дарахтлар мавжуд эди. Фолбинлар нукчани шундай дарахтларга қўйишни айтганлар. Одамлар бу омад келтиришига ишонганлар[11].

Аҳоли орасида ғайритабиий ва мўжизавий даволанишга ихлос жуда катта бўлиб, Фарғона водийсининг деярли барча ҳудудларида турли касалликлардан шифо сўраб борилувчи муқаддас жойлар мавжуд эди. Бундай муқаддас жойларни пайғамбар ва авлиёлар номи билан боғлиқ мозорлар, тоғ чўққилари, ғорлар, қиялик тош юзаларининг қисмлари, сунъий ва табиий чуқурликлар, совуқ ва иссиқ булоқлар, сув омборлари, ариқлар, атмосфера ва конденсат сувлари, ғорлар, лой ва қумларнинг синтез ҳосилалари ташкил этган. Мусулмон агиологияси шахслари, авлиёлар, пир ва шайхлар каби суфийлик тариқатининг намоёндалари қабрларини зиёрат қилиш бутун ислом дунёсида тарқалган бўлса-да, зиёрат ҳеч қаерда Марказий Осиёда бўлгани каби муҳим аҳамият касб этмади ва ҳудуднинг диний ўзига хослигини белгилаб берди. Фарғона водийси ва унинг атрофидаги тоғларда 5000 дан ортиқ турли авлиёлар номи билан боғлиқ мозорлар мавжуд[12]. Кушелевский мазкур қадамжолардан бир қанчасини санаб ўтган. Хусусан, Ўш яқинидаги Сулаймонтахтда фарзандсизликдан ва бошқа касалликлардан сақловчи тошлар мавжуд эди. Чуст яқинидаги Сангар қишлоғининг шарқида Афтооб тоғи бўлиб, маҳаллий аҳолининг ишонишича, бу ерда Нуҳ (а.с) кемаси тўхтаб ўтган. Фарғона водийсида Хазрат Али (р.а.) номлари билан боғлиқ бир нечта қадамжолар мавжуд. Ўзган яқинида “тош охур” мавжуд бўлиб, афсонага кўра, у ерда Али (р.а.) отига ем берган, Шохимардонда эса Али (р.а.)нинг қабри жойлашган бўлиб, уерга ҳам кўплаб зиёратчилар келишган. Аравон яқинидаги қояда отлик кишининг тасвири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан Али (р.а.)нинг сояси эканига қаттиқ ишонилган. Бу ерга бош оғриғидан халос бўлиш учун келишган. Конибодом яқинида “Кўкйўтал” номли мозор бўлиб, бу ерга беморлар ўпка сили ва кўкйўталдан шифо истаб келишган. Наманган уездида Подшоота мозорида одамлар бойлик сўрашган бўлса, Бобоота мозорида фарзанд сўраб дуо қилишган[13].

Мозорлар ва ибодат жойларига зиёрат қилиш турли мақсадларда амалга оширилади, улардан бири даволашдир. Илоҳий кучларга қаратилган ибодатлардан ташқари, халқ табобатининг анъанавий усулларига мос келадиган терапевтик ва сеҳрли даволаш усуллари қўлланилади. “Даволаш” ибодат жойига ташриф буюришдан анча олдин бошланади. Зиёратга тайёргарлик бемор танасининг кучларини фаоллаштиради, одамни касалликдан чалғитади ва диққатни яқинлашиб келаётган ҳаракатга қаратади. Одамлар турли касалликлар билан ибодат жойларига мурожаат қилишади. Энг кўп учрайдиган сўровлар неврологик, ошқозон-ичак, онкологик, травматологик, тери, ўпка, кўз, гинекологик, таянч-ҳаракат ва юқумли касалликлардан халос бўлишдир. Шунингдек, улар узоқ вақт касалликдан чарчаган танани мустаҳкамлашни сўрашади. Шифо топганлар, уларни касалликлардан халос қилган кучларга бағишланган қурбонликлар қиладилар. Аммо барибир, кўплаб аёлларни ўзига жалб қиладиган муқаддас мозорларнинг энг муҳим жихати бепуштликдан халос бўлиш ҳисобланади. Фарғона водийсида даволаниш мақсадида “муқаддас жойлар”ни зиёрат қилиш анча кенг тарқалган. Косонсой шаҳри яқинидаги Юмалоқ-шайх мозори шишларни даволаш учун атрибутланган.

Мусулмон ҳуқуқига оид “Хидоя” асарининг муаллифи ал-Марғинонийнинг қабри жойлашган мозор эса халқ орасида кўкйўталдан даволаниш марказига айланган. Кўкйўталдан даволаниш “усули”ни касал болани буғдой билан ўраб, мозор атрофида айлантириш ва мозорга агар касал қиз бола бўлса кўк қўғирчоқ, агар бемор ўғил бола бўлса кўклаган пиёз ташлаб, ортга қарамай кетиш ташкил этган[14]. Кўкйўталдан даволаниш учун Чуст яқинидаги Кўктўнлик ота мозори ҳам кенг фойдаланилган. Қўктўнлик ота қабри яқинида улкан қайрағоч бўлиб, унинг шохларидан бирига сиртмоқли арқон илинган. Бемор “даволаниш” учун мулла турли дуолар ўқиётган вақтда бошини сиртмоққа солиб туриши зарур бўлган. Бу ноодатий урф-одат туфайли баъзида бахтсиз ходисалар ҳам содир бўлган. Чуст яқинидаги Қўтирбулоқ мозоридан ҳам турли касалликларни даволашда фойдаланилган. Мозорда эски темир чироқ бўлиб, беморлар ўзлари билан олиб келган нукчаларни унга солиб ёқишган. Сўнг турли дуолар ўқиб мозор атрофида айланишган[15].

**4. Хулосалар:**

Ўзбек анъанавий табобатини уч қисмга: диний, эмпирик ва мистик йўналишларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ислом дини ақидаларига зид бўлишига қарамай аҳоли орасида мистик даволаш анъаналари сақланиб қолди. Халқ орасида “мўжизавий даволаниш”га ихлос жуда катта бўлиб, Фарғона водийсида кўплаб пайғамбар, авлиё, пир ва эшонлар номи билан боғлиқ мозорлардан бир қанчаси турли касалликларни “даволаш” учун атрибутланган. Қадамжолар орасида Сулаймонтахт, Хазрат Аюб минерал булоқлари энг кўп зиёрат қилинган.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Аллаяров Х.А. История народной медицины Средней Азии. Автореферат диссертация доктора медицинских наук. – Москва, 1993. – С. 11. (Allayarov Kh.A. History of folk medicine in Central Asia. Abstract of the thesis of a doctor of medical sciences. - Moscow, 1993. - P. 11.)
2. Басилов В. Культ святых в Исламе. – Москва: Мысль, 1970. – С. 93. (Basilov V. The cult of saints in Islam. - Moscow: Misl, 1970. – P. 93.)
3. Холмуродов Б.Ж. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонлик эътиқоди. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 116. (Kholmurodov B.J. Shamanism belief in the traditional way of life of the Uzbek people. Dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in History. - Tashkent, 2018. - P. 116.)
4. Туркестанския ведомости. 1908 г. №160. (Turkestanskiye Vedomosti. 1908 No. 160.)
5. Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содиқ. Тиб ва дам. 18-жуз. – Т.: Ҳилол-нашр, 2016. – Б. 80. (Sheikh Muhammad Yusuf Muhammad Sadiq. Medicine and spell. Chapter 18. - T.: Hilal-nashr, 2016. - B. 80.)
6. Изоҳ - Талмуд иудаизмида 12-асрда пайдо бўлган ва 16-асрда кенг тарқалган диний-мистик, оккултизм ва езотерик оқим. Езотерик Каббала ўзини яширин билим, Таврот матнида шифрланган илоҳий ваҳий деб даъво қилади. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D0%B1%D0%B1%D0%B0%D0%BB%D0%B0 (Commentary - a religious-mystical, occult and esoteric trend that appeared in Talmudic Judaism in the 12th century and became widespread in the 16th century. Esoteric Kabbalah claims to be secret knowledge, divine revelation encoded in the text of the Torah.)
7. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Императорскаго Университет, 1886. – С. 68. (Nalivkin V., Nalivkina M. Essay on the life of a woman of the settled indigenous population of Fergana. - Kazan: Imperial University, 1886. - P. 68.)
8. Илми рамл – нуқталар ва чизиқлардан фойдаланиб фол очиш. Қаранг: Лыкошинъ Н.С. Полъ жизни в Туркестане. Петроград: Д.Б.Брукер, 1916. (Ilmi raml - divination using dots and lines. See: Lykoshin N.S. Half of life in Turkestan. Petrograd: D.B. Bruker, 1916.)

9. Лыкошинъ Н.С. Полъ жизни в Туркестане. Петроград: Д.Б.Брукер, 1916. – С. 268. (Lykoshin N.S. Half of life in Turkestan. Petrograd: D.B. Bruker, 1916. – P. 268)
10. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Императорскаго Университет, 1886. – С. 72. (Nalivkin V., Nalivkina M. Essay on the life of a woman of the settled indigenous population of Fergana. - Kazan: Imperial University, 1886. - P. 72.)
